БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 28 (11777). | Жума, 3 февраль, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Маҳаллий Советлар сайловига пухта тайёрланайлик

Советлар — СССРнинг сиёсий негизи, меҳнаткашларнинг энг оммавий, энг демократик, энг интернационалистик ташкилотидир. Советлар орқали кенг омма — ишчилар, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар давлатни идора этиш ишларига актив қатнашадилар. мамлакатимизнинг хўжалик ва маданий қурилишига доир энг муҳим, ҳаётий масалаларни ҳал этадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йил бешинчи мартда республикамиз меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов ўтказишга қарор қилди. Бу сайлов ҳам совет демократиясининг юксак демократик принциплари асосида ўтади. Ҳозир меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотлари ва жамиятлари ўзларининг энг яхши вакилларини сайлов комиссиялари составига кўрсатдилар.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари сайловига тайёргарлик ишлари ажойиб кунларда ўтмоқда. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг партиямизнинг XXII съездини чақириш ҳақидаги қарори бутун мамлакатимиз каби республикамизда ҳам жуда катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини вужудга келтирди. Саноат корхоналари ва қурилишларда, колхоз ва совхозларимиз далаларида ижодий меҳнат қайнамоқда. саноат корхоналарининг азаматлари, колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторлар, барча меҳнаткашлар Пленум қарорларидан руҳланиб, юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Меҳнаткашларнинг ана шу юксак сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини партиямиз белгилаб берган коммунизм қурилишининг улуғвор вазифаларини ҳал этишга сафарбар этишда маҳаллий Советлар олдида жуда катта вазифалар турибди.

Маълумки, Коммунистик партия маҳаллий Советларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги фаолиятини янада ошириш масаласига ҳамиша катта эътибор бериб келди ва келмоқда. Партиямизнинг шонли XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг тарихий қарорларида Советларнинг ҳозирги даврдаги вазифалари белгилаб берилган.

«Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида, — дейилади КПСС XXI съездининг резолюциясида, — меҳнаткашлар депутатлари Советларининг роли янада кўпроқ ошиб бормоқда. Республика, ўлка, область, шаҳар, район ва қишлоқ Советлари саноат корхоналари ва қурилишлар, колхоз, совхозларнинг етти йиллик план топшириқларини бажариш юзасидан қиладиган ишларининг энг муҳим масалаларн билан кун сайин шуғулланиб туришлари, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ва маданиятини ошкрин тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилишлари лозим».

Маҳаллий Советлар партиямиз XXI съездининг кўрсатмаларига амал қилиб, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни кун сайин яхшиламоқдалар. Кейинги вақтларда маҳаллий Советларнинг хўжалик-ташкилотчилик, маданий-тарбия соҳасидаги фаолиятлари анча активлашди. Сессияда муҳокама қилинадиган масалалар доираси анча кенгайди. Доимий комиссиялар. депутатлар актив ишлаяптилар. Депутатлар ўз сайловчилари олдида тез-тез ҳисоб бериб турмоқдалар. Маҳаллий Советлар катта ташкилотчилик ишлари олиб бориб, омманинг ижодий ташаббуси, ғайратини етти йиллик план топшириқларини бажаришга кенг сафарбар этмоқдалар. Республикамиз меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига қарашли саноат корхоналари етти йиллигининг иккинчи йили — 1960 йил планини 108 процент қилиб бажарганликлари бунинг яққол далилидир. Уй-жой қурилиши, обод дончилик, меҳнаткашлар соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш, маданий-маиший қурилиш, халқ фаровонлиги ҳақида тинмай меҳрибонлик қилиш — Советлар фаолиятининг асосидир.

Бу соҳада Тошкент область Оржоникидзе районидаги Киров қишлоқ Советининг, Самарқанд область Жиззах район Советининг. Андижон область Холдевонбеқ район Советининг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолияти мақташга сазовордир.

Аммо шунга қарамасдан республикамиз айрим маҳаллий Советларининг ишида ҳали катта камчиликлар ҳам бор. Айрим маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари хўжалик қурилишига ишнинг кўзини билиб, конкрет раҳбарлик қилмаяптилар. Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўришда бюрократизм ва сансоларликка йўл қўйиш фактлари бор. Советларнинг айрим депутатлари бўлса, ўзларининг депутатлик бурчларини садоқат билан бажармаётирлар. Бундай камчиликларга қарши кескин кураш олиб бормоқ керак.

Маҳаллий Советлар сайловига тайёргарлик — муҳим сиёсий кампаниядир. Сайловга тайёргарлик — Советлар, унинг ижроия комитетлари, ижроия комитет бўлимлари ишидаги йўл қўйилган камчиликларни тугатиш, Советларнинг омма билан алоқасини тағин ҳам мустаҳкамлаш шиори остида ўтиши керак. Ижроия комитетлар, маҳаллий Советларнинг депутатлари ўз сайловчилари олдида ҳисоб беришлари, қилган ишларига якун ясашлари лозим.

Сайловга ташкилий-техник жиҳатдан тайёргарлик ишларини ҳозирдан бошлаб қизғинб юборищ керак. Сайловчилар рўйхатини пухта қилиб тузиш, сайлов бюллетенлари тайёрлаш, сайлов ўтказиладиган участкаларни тахт қилиб қўйиш зарур.

Сайловга пухта тайёргарлик кўриш партия, комсомол, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг жонажон ишидир. Партия ташкилотлари пропагандаининг бутун воситаларидан фойдаланиб, аҳоли ўртасида сиёсий-агитация ишларини қизғинб юборишлари лозим. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми материалларини, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Пленумда сўзлаган нутқини, шунингдек коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва Кенгашининг материалларини меҳнаткашлар ўртасида пухта тушунтириб бермоқ керак.

Агитаторлар сайловчиларга совет сайлов системасининг буюк демократик хусусиятларини. СССР гражданларининг ҳуқуқ ва бурчларини кенг баён этиб бериш билан бирга, буржуазия демократиясининг реакцион, халққа қарши характерини конкрет фактлар асосида фош қилишлари лозим. СССРнинг сиёсий негизини ташкил этган меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари давлат ташкилотининг энг демократик, халққа энг яқин формаси эканлигини ҳар бир район, қишлоқ Советлари мисолида тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир.

Сайлов олди сиёсий агитациясининг бутун мазмуни кенг меҳнаткашлар оммасини етти йиллик планни муддатидан олдин адо этиш учун курашга, партиямиз белгилаб берган коммунизм қурилишининг улуғвор вазифаларини бажаришга сафарбар этсин!

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИ КЕНГАШИ ЁПИЛДИ

РОСТОВ-ДОН, 1 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда Шимолий Кавказ қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши ўз ишини тамомлади. Кечки мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг раиси, ўртоқ Н. С. Хрушчев катта нутқ сўзлади. Унинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва кўп марта қарсаклар билан бўлиниб турди.

Кенгаш қатнашчилари Краснодар ва Ставрополь ўлкалари, Ростов области, Дағистон, Кабарда-Балқар, Шимолий Осетия ва Чечен-Ингуш Автоном Совет Социалистик Республикаларининг барча колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига якдиллик билан мурожаат қабул қилдилар.

Ғоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига мактуб қабул қилинди.

ЖАҲОН СОЦИАЛИСТИК СИСТЕМАСИ ЭКОНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ ТУЗИЛДИ

МОСКВА, 1 февраль. (ТАСС). СССР Фанлар академияси президиуми Жаҳон социалистик системаси экономикаси институти ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул килди.

СССР Фанлар академияси вице-президенти К. В. Островитяновнинг ТАСС мухбирига айтишича, янги институтнинг асосий вазифаси жаҳон социалистик системаси умумий иқтисодий проблемаларини ва унинг тараққиёт қонуниятларини илмий жиҳатдан ҳар томонлама тадқиқ қилишдан иборатдир.

Институт планлаштириш ва халқаро социалистик меҳнат тақсимоти масалаларини, халқ хўжалигининг бир-бири билан боғланган гармоқларини ихтисослаштириш ҳамда кооперативлаштириш масалаларини ишлаб чиқади.

Иқтисодий фан янги маркази олимларининг эътиборини янада тамомлаш, халқаро социалистик комиссиялар ташкил этилиши жуда катта воқеадир. Бу тадбир коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва Кенгаши томонидан қўйилган вазифалар билан маҳкам боғлангандир.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ

ЛЮБА ЛИ — МАККАЖЎХОРИКОР

Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш асосан ем-хашак базасининг мустаҳкамланишига боғлиқдир. Илғор хўжаликлар бултур чорва моллар учун тўйимли озуқа бўлган маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдилар.

Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, қаерда махсус маккажўхорикор бригадалар ташкил қилинган бўлса, бундай бригадаларда мўл ҳосил етиштирилди. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг ўртоқ Ли бошлиқ маккажўхорикор бригадаси ҳам ана шундай ихтисослаштирилган трактор-далачилик бригадаси эди.

Колхоз правлениеси бригадага 216 гектар ер ажратди. Бундан 100 гектарига силос учун маккажўхори экиш, 116 гектарида эса уруғлик гибрид маккажўхори етиштириш планлаштирилган эди.

Бригадага 20 колхозчи бириктирилди ва уларга тўрт чопиқ трактори, битта «ДТ-54» тракторли хайдов трактори ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ажратиб берилди.

Бригада аъзолари бўш вақтларида ўз маълумотларини оширишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг кўпчилиги агротехника тўғарагида иштирок этди. Маккажўхорикорлар Украина ва бошқа республикалардаги илғор маккажўхорикорларнинг ҳамда механизаторларнинг иш тажрибаларини ўргандилар ва уни амалда қўллашга ҳаракат қилдилар.

Маккажўхори экиш учун ажратилган майдонларда ер ости суви 1-2 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, тупроғи қора ўтлоқ тупроқдан иборат эди. Маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш учун бу тупроққа суперфосфат ва азот солиш талаб қилинади.

Кўклам бошланиб, ер тобига келиши билан маккажўхори майдонлари скрепер ва грейдер машиналари ёрдамида текисланди. Кузда шудгор қилиб қўйилган бу ерларнинг ҳар гектарига 90 килограммдан фосфор солинди ва кетма-кет икки марта сихмола юргизилди.

Бригада ерлари 17 апрелда об-тобига келди. Шу куни маккажўхорини «СКГХ-6» маркали 6 қаторлаб экадиган сеялка билан 70х70 сантиметр схемасида квадрат-уялаб экиш бошланди. Ҳар уяга 3-4 тадан дон ташлаб кетилди. Маккажўхори экиш 10 кун ичида тугалланди. Намга тушган уруғ уч кунда илдиз қадаб еттинчи куни ер бетида кўринди, текис квадратлар ҳосил бўлди.

Бригада ерларининг хусусияти шундаки, агар олди олинмаса бу ерларда бегона ўтлар кўпайиб кетади. Шунинг учун ҳам механизаторлар маккажўхорини икки томонлама парвариш қилишни бошладилар. 18 қайда биринчи комплекс парвариш тамом қилинди. Ҳар бир уяда 2-3 тадан соғлом кўчат қолдирилиб, ягона ўтказилди. Шу тартибда ҳар гектар ерда камида 53 минг туп маккажўхори кўчати бўлиши таъмин этилди.

Орадан 15 кун ўтгач, маккажўхори қатор ораларини иккинчи марта культивация қилиш бошланди. Бу иш 10 июнда тамомланди. Маккажўхори ниҳоллари ҳали ёш бўлганлиги учун қатор ораларини 10-12 сантиметр чуқурликда культивация қилинди.

Қатор ораларда ўз вақтида юмшатиб турилганлиги туфайли маккажўхори тез ривожлана бошлади, бегона ўтлар бўлмади. Иккинчи культивациядан сўнг экинга сув беришга тайёргарлик кўрила бошлади. Бунинг учун қатор ораларига эгат олинди ва бир йўла ҳар гектарига 200 килограммдан селитра солинди. Сув най усулида оқизилди. Тупроқ етилиши билан учинчи культивация бошланди. Бу вақтга келиб, маккажўхори жуда яхши ривожланганлиги учун қатор оралари 18-20 сантиметр чуқурликда юмшатилди.

Мўл ҳосил олишга бел боғлаган маккажўхорикорлар учинчи суғориш олдидан гектарига яна 300 килограммдан азотли ўғит солдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ўғитлаш, суғориш ва культивация ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилди.

Бригада аъзолари маккажўхорини парвариш қилишда агротехника қоидаларига қатъий амал қилдилар. Икки томонлама учинчи культивация 15 июлгача тугалланди. Яхши парвариш қилинган маккажўхори тез ривожланди, ҳар бир пояда иккитадан сўта пайдо бўлди. Маккажўхорининг бўйи 6 метрга етди.

Бригада аъзолари ҳаммаси бўлиб экинга 6 марта сув бердилар. Суғориш ҳар бир пайкалнинг шароитига қараб, табақалаштириб ўтказилди. Биринчи ва иккинчи сувлар камроқ, саратон суви эса кўпроқ нормада берилди.

Бу даврга келиб, маккажўхори думбул бўлган эди. 1 августда «ДТ-54» тракторига «9-СК2/6» маркали комбайн тиркалиб, маккажўхори поясини силос учун ўриш бошланди. Ҳар куни силосхонага 700-800 тонна кўкпоя юборилди.

Ўртоқ Люба Ли бошлиқ трактор-далачилик бригадаси 100 гектар ерининг ҳар гектаридан думбул сўтаси билан 1840 центнердан маккажўхори пояси олди. Бригада бундан ташқари 116 гектар ердан гибрид маккажўхори уруғи етиштирди. Бу майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан маккажўхори дони олинди.

Бригадада ҳамма ишларни механизациялаш туфайли етиштирилган ҳар бир центнер кўкпоянинг таннархи 1959 йилдаги 14 сўмдан 4 сўмга тушди, яъни янги пул билан 40 тийинга тўғри келди.

Илғор маккажўхорикор Люба Ли бошлиқ бригаданинг мўл ҳосил етиштиришдаги тажрибасини колхоз ва совхозларда кенг қўлланиш чорвачиликнинг озуқа базасини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

С. ҚАЮМОВ,
биология фанлари кандидати.

СУРАТДА: ўртоқ Люба Ли.

ҚИЗЛАР ЯНГИ КАСБНИ ЭГАЛЛАМОҚДА

Амударё районининг колхоз ва совхозлари ҳар йили кўплаб янги техника олмоқдалар. Фақат ўтган йилнинг ўзида улар 40 та трактор, 30 га яқин пахта териш машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалик агрегатларини олдилар. Йил бошида 1-РТС қошида тўрт ойлик тракторчилар тайёрлаш курси очилган эди. Бу курсда 50 дан ортиқ йигит-қиз ўқимоқда. Механик-ҳайдовчилик касбини эгаллашга аҳд қилган қизлар шу курсда ўқимоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ПАХТАЧИЛИКДА ПРОГРЕССИВ УСУЛЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети пахтачиликда техника тараққиёти масалаларини кўриб чиқди. Шу масалалар юзасидан қабул қилинган қарорда КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини янада ривожлантиришнинг конкрет программасини тузиб берганлиги қайд қилинади. Бу программа Ўзбекистон партия ташкилоти, республиканинг барча меҳнаткашлари қиладиган ишларга йўл-йўриқдир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шу нарсани қайд қилиб ўтдиларки, КПСС Марказий Комитети ва иттифоқ ҳукуматининг кўрсатаётган жуда катта ёрдами, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг республикада пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлиги туфайли кейинги йилларда пахтачиликда прогрессив иш усуллари. комплекс механизация кенг жорий қилинмоқда. Шунинг натижасида пахта етиштириш кўпайиб, меҳнат унумдорлиги ортди ва пахта таннархи камайди. Чигитни квадрат-уялаб экиш асосий усул бўлиб қолди. 1960 йилда 964 минг гектар майдонга чигит квадрат-уялаб экилди. Биринчи марта 50 минг гектар майдонга янги прогрессив усул билан яъни чигитни уяларга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялка билан экилди. Бир миллион 200 минг гектар ёки экин майдонининг 90 процентидаги ғўза механизмлар ёрдами билан икки томонлама парвариш қилинди, шу жумладан бир миллион гектар майдонда ғўза парвариши вақтида кетмон ишлатилмади. Машинада 500 минг тоннадан зиёдроқ пахта териб олиниб, шундан 170 минг тоннадан кўпроғи қоп-қаноксиз ташилди. Бундай прогрессив усулнинг қўлланилиши натижасида меҳнат ва маблағларнинг сарфи анча камайди. Ташкилотчилик ишини яхши йўлга қўйиш, пахтачиликда прогрессив усулларни кенг қўлланиш, комплекс механизацияни дадил жорий қилиш туфайли кўпгина районлар. колхозлар ва совхозлар барча қийинчиликларни муваффақиятли енгдилар ва пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Чунончи Хоразм областида гектаридан ўрта ҳисобда 27 центнердан пахта териб олинди.

Республика совхозлари етиштирилган ҳосилнинг қарийб учдан бир қисмини, «Малик» совхози эса 80 процентини машинада териб олди. Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозида ҳам худди шундай кўрсаткичга эришилди. Юзлаб механик-ҳайдовчилар 150-200 тоннадан ва ундан ортиқ пахта тердилар. Турсуной Охуновага эргашиб. 1160 қиз-жувоннинг пахта териш машиналарини бошқарганлиги бултурги ажойиб муваффақиятдир.

1960 йилда республикада 9 мингга яқин комплекс механизациялашган бригада тузилиб, бу бригадалар 870 минг гектар майдондаги ғўзани парвариш қилди. Кўпгина бригадаларда мўл ва арзон пахта етиштирилди.

Ғўза парваришида прогрессив усулларни, комплекс механизацияни кенг қўлланиш туфайли кўпгина колхозлар, совхозлар ва бригадалар об-ҳаво шароити ноқулай келиши натижасида қилинган қўшимча ишлар учун кетган ҳаражатларнинг ўрнини қоплабгина қолмасдан. балки пахта таннархини тағин ҳам арзонлаштиришга эришдилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада пахтачиликда прогрессив усулларни тағин ҳам кенг жорий қилиш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланилгани йўқ, бу ишда кўпгина қўпол хатоларга ва юзакичиликка йўл қўйиш фактлари содир бўлди, деб ҳисоблайдилар.

Кўпгина колхозларда ва совхозларда ерни яхши текисламаслик ва тупроқни экиш олдидан яхши тайёрламаслик, чигитни нами қочиб қолган ерга экиш, уруғлик чигитни яхши тайёрламаслик оқибатида ғўза тупларининг тегишли қалинлиги таъминланмади. Оласига ўз вақтида экилмади.

Ғўзани кетмон ишлатмай парвариш қилишда жиддий хатоларга йўл қўйилди. Трактор культивациясининг сифатини ошириш йўли билан кетмонни қисиб чиқариш керак эди. лекин культивация сифатига эътибор берилмади, бунинг натижасида далаларни ўт босиб кетди ва оқибат натижада ҳосил пасайиб кетди.

Суғориш ва ғўзани озиқлантириш вақтида агротехниканинг қўпол бузилишига йўл қўйилди. Шудгорлаш олдидан ерга етарли миқдорда маҳаллий ва минерал ўғит солинмади. Ғўзани кўп жойларда азот билан кечикиб озиқлантирилди. Шудгорлаш олдидан ва экиш олдидан азот ўғитининг бир қисмини солиш одати унутиб қўйилди. Ғўзанинг сувга бўлган талабини ҳисобга олинмай, пахта очиладиган пайтда ҳам экин кўлатиб суғорила берди. Буларнинг ҳаммаси пахтанинг кеч пишишига ва ғўза тупларининг ётиб қолишига сабаб бўлди. Бу эса пахта териш машиналаридан фойдаланишни қийинлаштирди. пахта сифатининг пасайишига ва ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлишига олиб келди.

Айрим хўжаликларда ва районларда чигитни режа сими тортиб квадрат-уялаб экиш ва ғўзани икки томонлама механизация билан парвариш қилиш планлари бажарилмади.

Бегона ўтларга қарши курашнинг кимёвий йўл билан олиб бориш усулларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳасида илмий тадқиқот ва тажриба ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда. Илмий муассасалар, конструкторлик ташкилотлари ва республика қишлоқ хўжалик министрлиги, суғоришни механизациялаш ишида озгина бўлса ҳам, жиддий силжишга эришмадилар.

(Давоми иккинчи бетда).

МОҲИР СУВЧИЛАР

Ғиждувон районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари шўр ювишни сифатли ўтказмоқдалар. Кузда шудгор қилиб қўйилган ерларга пол олиниб, шўрланиш даражасига қараб бир-икки марта суғориш планлаштирилган. Холбобо Норов. Шукурбобо Ясуров каби тажрибали сувчилар айниқса сифатли ишлаётирлар. Улар кунига 1-1,5 гектардан ернинг шўрини ювмоқдалар.

Колхознинг Ҳожиқурбон Нуров, Ҳомид Жабборов бошлиқ юқори ҳосилли трактор-далачилик бригадаларида пахта майдонининг ярмида шўр ювилди. Шўр ювиш, ғўнг чиқариш ишлари қизғин бормоқда

Р. НОРОВ.

ОҚИР СУВЧИЛАР

Ғиждувон районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари шўр ювишни сифатли ўтказмоқдалар. Кузда шудгор қилиб қўйилган ерларга пол олиниб, шўрланиш даражасига қараб бир-икки марта суғориш планлаштирилган. Холбобо Норов. Шукурбобо Ясуров каби тажрибали сувчилар айниқса сифатли ишлаётирлар. Улар кунига 1-1,5 гектардан ернинг шўрини ювмоқдалар.

Колхознинг Ҳожиқурбон Нуров, Ҳомид Жабборов бошлиқ юқори ҳосилли трактор-далачилик бригадаларида пахта майдонининг ярмида шўр ювилди. Шўр ювиш, ғўнг чиқариш ишлари қизғин бормоқда

Р. НОРОВ.

УЗБЕКИСТОН «ОҚ ОЛТИН»И — КУБАГА

Бухоро ва Сурхондарё областларининг пахта тозалаш корхоналари бу йил биринчи марта Одесса орқали Кубага пахта толаси юбордилар

Ўзбекистон ССР Госпланида ЎзТАГ мухбирига маълум қилинишича, етти йилликнинг учинчи йилида қаҳрамон Куба тўқимачилик индустрияси корхоналарига экспорт қилинадиган «оқ олтин» 20-25 процент кўпайтирилади. Республикадаги пахта заводларининг қарийб ҳаммаси ўз маҳсулотларини Кубага юбориб турадн.

Тарихий ҳужжатлар ўрганилмоқда

Қорақалпоғистоннинг овул ва қишлоқларида қизғин суҳбатлар ўтяпти. Пропагандистлар ва агитаторлар КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг материаллари, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу Пленумда сўзлаган ёркин нутқини меҳнаткашларга тушунтириб бермоқдалар. Колхозчи-деҳқонлар январь Пленуми белгилаган тадбирлар — социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг буюк программаси деб таъкидламоқдалар.

Кегайли районидаги «Кегайли» совхозида бўлим бошқарувчилари, бригада бошлиқлари ва механизаторларнинг беш кунлик семинари бўлди. Семинарда совхоз партия комитетининг секретари Мирзатоев, бош бухгалтер Кинбоев, инженер Болтабоев ва бошқа ўртоқлар қишлоқ хўжалигидаги битмас-туганмас резервлардан фойдаланиш, меҳнатни тўғри ташкил этиш ва деҳқончиликни комплекс механизациялаш истиқболи тўғрисида доклад қилдилар.

Семинарда совхоз ишлаб чиқариши новаторлари ўзларининг бой тажрибаларини ҳикоя қилиб бердилар ва 1961 йилда ҳамма майдонларда юқори ҳосил етиштиришнинг асосий шарти бўлган қишки-баҳорги тадбирларни муваффақиятли ўтказиш юзисидан қимматли маслаҳатлар бердилар.

М. ҚАЗИБОЕВ.

ДУГОНАЛАР МУСОБАҚАСИ

Сутчилик фермасида бугун ҳам иш ҳар қачонгидек эрта бошланди. Оқ халат кийган аёллар қўлларида челаклари билан ҳозир бўлишди. Сут соғувчининг рўпарасида бир неча бўш идиш туради, соғилган сут шу идишларга қуйилаверади. Кейин эса сепараторга қуйилади.

Майрамхоннинг идишлари бугун ҳам тез тўлди. У 16 сигирдан кечагига қараганда 35 килограмм кўп сут соғиб олган эди. Бунинг сабаби сигирларни яхши парвариш қилишда, тўйимли ва ширали озуқа бериб боқишда.

Оҳунбобоев районидаги «Фарғона» колхозининг бу сут соғувчиси ўтган йили ҳар бир сигирдан 4756 килограммдан сут олган эди. У, партия XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, бу йил ҳар сигирдан 5 тоннадан сут соғиб олиш учун курашмоқда.

М. ЛАТИПОВ.

АҚШ Коммунистик партияси Миллий Комитетига

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети АҚШ Коммунистик партияси Миллий комитети раиси ўртоқ Юджин Деннисннинг бемаҳал вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўртоқ Юджин Деннис ўзининг бутун ҳаёти, билим ва тажрибасини АҚШ ишчилар синфининг манфаатлари учун, Америка халқининг демократик ҳуқуқлари ва граждан эркинликлари учун, тинчлик, демократия ва социализм учун кураш ишига бағишлади.

Ўртоқ Юджин Деннис АҚШ Коммунистик партиясининг атоқли арбоби бўлиб, марксизм-ленинизм принциплари асосида, пролетар интернационализми руҳида АҚШ Компартиясининг сафларини мустаҳкамлаш учун, тинчлик ва социал тараққиёт манфаатларини кўзлаб, Америка ишчилар синфи ва бутун халқаро коммунистик ҳамда ишчи ҳаракатининг бирлиги, жипслиги учун тинмай кураш олиб борди.

Совет халқи тинчлик учун ва Америка ҳамда совет халқлари ўртасида дўстлик учун оташин курашчи ўртоқ Юджин Деннисннинг порлоқ хотирасини ўз дилида абадий сақлайди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ТОШКЕНТ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ТАЛАБИ

КОНГО ХАЛҚИ ОЗОД ҚИЛИНСИН!

□ □

Тошкент Давлат университетининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Тинчликни ҳимоя қилиш республика комитети раисининг ўринбосари О. С. Содиқов минбарга чиқади.

— Бельгия, — дейди у, — халқларнинг хоҳиш-иродасини менсимасдан, Америка империалистларининг ва БМТ бош секретари Хаммаршельднинг актив ёрдами билан Конго халқига қарши бевосита агрессияни амалга оширишга киришди. Разил ва ифлос ишларни қилиш учун Катангага минглаб сотқин авантюристлар келиб турибди. Аммо Конго халқининг ғалабага эришиш йўлидаги иродаси қатъийдир.

«Ташсельмаш» заводи механика цехининг коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган бригадаси раҳбари Л. И. Аксенов митинг қатнашчиларига мурожаат қилиб, бундай дейди:

— Жаҳонда биринчи бўлиб озодлик ва қардошлик байроғини кўтариб чиққан совет кишилари Африкадаги ёш давлат халқининг азоб-уқубатларига бепарво қараб туролмайдилар. Яхши ниятли ҳамма кишилар билан бирга биз мустамлакачиларни қаттиқ огоҳлантириб, уларнинг Конгодан тезроқ чиқиб кетишларини талаб қиламиз!

Митингда Калинин районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси Раъно Бўронова, Низомий номидаги педагогика институтининг студенти Валентина Чеченкина сўзга чиқиб, ўз озодлиги ва миллий мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлида қаҳрамонона курашаётган Конго халқига бирдамлик билдирдилар.

Ёзувчи Ҳамид Ғулом мустамлакачиликка қарши, тараққиёт ва озодлик йўлидаги курашда жаҳон халқларининг кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган бирдамлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Биз, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари, — дейилади митинг қатнашчилари резолюциясида, — Конго халқининг ҳуқуқларини, унинг озодлигини ва миллий мустақиллигини ҳимоя қилишга доир масалаларда Совет ҳукуматининг позициясини қизғин маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Биз империалистларнинг Конго ички ишларига аралашувига дарҳол хотима берилишини, Конго халқи содиқ фарзанди Патрис Лумумба ҳамда Конго қонуний ҳукуматининг бошқа аъзолари тюрьмадан озод қилинишини, Мобуту-Чомбе соқчи шайкаларининг қуролсизлантирилишини талаб қиламиз.

Резолюция БМТ бош секретари Хаммаршельднинг ҳаракатларини, унинг мустамлакачиларга ёрдам бераётганлигини қаттиқ қоралайди. (ЎзТАГ).

ПАХТАЧИЛИКДА ПРОГРЕССИВ УСУЛЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

Кўпгина районларда ғўза бартини сунъий тўктириш сифати паст бўлиши оқибатида машина терими вақтида қийинчиликлар юз берди.

Тошкент областида пахта териш машиналари, хусусан «ХВС-1,2» машиналари энг кўп тўпланган бўлса ҳам, машина теримига ва уни ўтказишга тайёргарликда катта камчиликларга йўл қўйилиши оқибатида машина терими юзасидан олинган мажбурият бажарилмади. Бухоро областида ҳам шундай бўлди.

Республика пахта тозалаш саноатининг корхоналари қоп-қанорсиз ташиб келтириладиган пахтани қабул қилишга етарли тайёргарлик кўрмади.

Бир қанча районларда ва хўжаликларда комплекс механизациялашган бригадаларни тузишга расмиятчилик билан қаралди. Бу бригадалар техника билан етарли даражада таъминланмади. Уларнинг раҳбарлари етарли тажрибага эга эмас эди. Комплекс механизациялашган бригадалардан фақат ундан бир қисмининг технологик картаси бўлиб, бундан ҳам ҳамма ерда фойдаланилмади. Айрим бригадалар йилни паст иқтисодий кўрсаткичлар билан якунладилар.

Машина-трактор паркида ремонтни ташкил қилишда, тракторларни ва бошқа техниками асраш ва сақлашда жиддий камчиликлар мавжудки, бу техниканинг тез вақт ичида ишдан чиқиб қолишига, кўпроқ бекор туриб қолишига, иш сифатининг пасайиб кетишига олиб келади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахтачиликда техника тараққиётининг партия кўрсатган йўлдан изчил бориши бу соҳада тўпланган илғор тажрибаларни ҳар тарафлама оммалаштириш ва йўл қўйилган камчиликларни тугатиш ҳосилдорликни бундан буён оширишнинг, пахта ялпи ҳосилини кўпайтириш ва маҳсулот таннархини камайтиришнинг негизи деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахтачиликда прогрессив усулларни, ишларни комплекс механизациялашни бундан ҳам кенгроқ ривожлантириш республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва унинг маҳаллий органларининг, область ва район партия ҳамда совет ташкилотларининг, колхоз ва совхоз раҳбарлари, ҳамда мутахассисларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблайдилар.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ташкилотчилик ишларининг савиясини оширишлари ва чигитни режа сими тортиб, квадрат-уялаб экиш, уруғни уяга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялка билан экиш, ғўзани кетмон ишлатмасдан икки томонлама парвариш қилиш, пахтани машинада териш ва уни қопқанорсиз ташишнинг поток усулини қўлланишни янада яхшироқ ўзлаштириш ва такомиллаштиришлари, ғўзани механизация билан чеканка қилишни муваффақиятли жорий этишлари, пахтанинг барвақт очилиши билан бирга мўл ҳосил олинишини таъминлайдиган бошқа ҳамма агротехника усулларини амалга оширишлари керак. Бунда комплекс механизациялашган бригадалар ва хўжаликлар тузишга, меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ўсишини таъминлашга ва моддий манфаатдорлик принципидан фойдаланиш негизида маҳсулот таннархини арзонлаштиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район партия комитетлари пахтачиликда техника тараққиётининг партия кўрсатган йўлдан изчил бориши бу соҳада тўпланган илғор тажрибаларни ҳар тарафлама оммалаштириш ва йўл қўйилган камчиликларни тугатиш ҳосилдорликни бундан буён оширишнинг, пахта ялпи ҳосилини кўпайтириш ва маҳсулот таннархини камайтиришнинг негизи деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахтачиликда прогрессив усулларни, ишларни комплекс механизациялашни бундан ҳам кенгроқ ривожлантириш республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва унинг маҳаллий органларининг, область ва район партия ҳамда совет ташкилотларининг, колхоз ва совхоз раҳбарлари, ҳамда мутахассисларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблайдилар.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ташкилотчилик ишларининг савиясини оширишлари ва чигитни режа сими тортиб, квадрат-уялаб экиш, уруғни уяга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялка билан экиш, ғўзани кетмон ишлатмасдан икки томонлама парвариш қилиш, пахтани машинада териш ва уни қопқанорсиз ташишнинг поток усулини қўлланишни янада яхшироқ ўзлаштириш ва такомиллаштиришлари, ғўзани механизация билан чеканка қилишни муваффақиятли жорий этишлари, пахтанинг барвақт очилиши билан бирга мўл ҳосил олинишини таъминлайдиган бошқа ҳамма агротехника усулларини амалга оширишлари керак. Бунда комплекс механизациялашган бригадалар ва хўжаликлар тузишга, меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ўсишини таъминлашга ва моддий манфаатдорлик принципидан фойдаланиш негизида маҳсулот таннархини арзонлаштиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари чигит экиш муддатларини ўйлаб кўриб белгилашлари, чигитни қайта экиб ўтирмаслик ва уни бир текис ҳамда соғлом ундириб олиш учун ҳақиқатан энг яхши агротехника муддатларини танлашлари, айниқса, уяга аниқ миқдорда уруғ ташланадиган участкаларда бунга алоҳида эътибор беришлари керак. Чигитни квадрат-уялаб экадиган агрегатларда ишловчи кишиларни дарҳол танлаш, ўқитиш керак.

Область ва район партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, барча хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари чигит экиш муддатларини ўйлаб кўриб белгилашлари, чигитни қайта экиб ўтирмаслик ва уни бир текис ҳамда соғлом ундириб олиш учун ҳақиқатан энг яхши агротехника муддатларини танлашлари, айниқса, уяга аниқ миқдорда уруғ ташланадиган участкаларда бунга алоҳида эътибор беришлари керак. Чигитни квадрат-уялаб экадиган мавжуд сеялкаларнинг ҳаммасини тахт қилиб қўйиш ва ҳар бир хўжаликда экишни 6-8 кун мобайнида тугаллаш зарур.

Мўл ҳосил етиштиришда ва уни барвақт етилтиришда ғўзани ўз вақтида яганалаш, ғўза парваришига барвақт киришиб, уни ёшлигиданоқ озиқлантириш ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларидан, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан ғўзани экиш билан ғўза парваришини ўртасида сира узилиш бўлишига йўл қўймасликни, барча майдонларда ғўзани механизация воситаси билан кўндалангига ва узунасига юқори сифатли ишлашни, эгатнинг юмшатиладиган қисмини кенгроқ олишни, бу ишни уялардаги ўтларни ўтоқ қилиш билан қўшиб олиб бориб, даланг бегона ўтлардан тўла тозалаш ва кетмон чопиғи қилмасдан тупроқни яхши юмшатишни; уяларнинг тупроғини юмшатиш учун ротацион ишорганларидан тўла фойдаланишни, шунингдек, қатор ораларидаги тупроқни юмшатиш учун иш органларидан яхши фойдаланишни; ғўзани суғориш ва ўғитлашда юқорида қайд қилиб ўтилган камчиликларни тугатишни; ўғитни ғўзани озиқлантириш муддатларига қараб тўғри тақсимлашни; ҳамма жойда ғўзани барвақт озиқлантиришни бошлаб, бу ишни июлнинг бошларида тамомлашни талаб қилдилар.

Қарорда тупроқни ва ғўзанинг сувга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда суғоришни ўз вақтида ўтказишга, ҳосил пишадиган пайтда ғўзанинг ортиқча суғорилишига йўл қўймасликка алоҳида эътибор бериш таъкидланади. Ҳосил пишадиган даврда ортиқча суғориб юбориш ўсимликнинг ётиб қолишига ва ҳосилнинг кеч етилишига олиб келади.

80 минг гектар майдондаги ғўзани механизация ёрдами билан, шу жумладан Тошкент областида 20 минг гектар, Фарғона областида 13 минг гектар, Андижон областида 13 минг гектар, Самарқанд областида 10 минг гектар, Бухоро областида 7 минг гектар, Сурхондарё областида 7 минг гектар, Хоразм областида 5 минг гектар ва Қорақалпоғистон АССРда 5 минг гектар майдондаги ғўза механизация воситаси билан чеканка қилиниши керак.

Ҳосилни машинада йиғиб-териб олишни янада кучайтириш ва унинг иқтисодий жиҳатдан самаралилигини ошириш пахтачиликни комплекс механизациялашнинг бош звеноси бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети буни ҳисобга олиб, 1961 йилда 600 минг тонна пахтани машинада териб олиш тўғрисида областлар ва Қорақалпоғистон АССРнинг таклифларини, шу жумладан Тошкент областида 150 минг тонна, шундан колхозларда 90 минг тонна ва совхозларда 60 минг тонна, Фарғона областида 75 минг тонна, шундан колхозларда 49 минг тонна ва совхозларда 26 минг тонна, Андижон областида 110 минг тонна, шундан колхозларда 92 минг тонна ва совхозларда 18 минг тонна, Самарқанд областида 70 минг тонна, шундан колхозларда 55 минг тонна ва совхозларда 15 минг тонна, Бухоро областида 50 минг тонна, шундан колхозларда 38 минг тонна, совхозларда 12 минг тонна, Сурхондарё областида 45 минг тонна, шундан колхозларда 32 минг тонна ва совхозларда 13 минг тонна, Хоразм областида 50 минг тонна (барчаси колхозларда), Қорақалпоғистон АССРда 50 минг тонна, шу жумладан колхозларда 18 минг тонна, совхозларда 32 минг тонна пахтани машинада териб олиш тўғрисидаги таклифларини маъқуллади. Машина теримига (резервларни ҳам ҳисобга олиб) 500 минг гектар, шу жумладан Тошкент областида 122 минг гектар, бундан колхозларда 63 минг гектар ва совхозларда 59 минг гектар, Фарғона областида 62 минг гектар, шундан колхозларда 36 минг гектар ва совхозларда 26 минг гектар, Андижон областида 76 минг гектар, шундан колхозларда 59 минг гектар ва совхозларда 17 минг гектар, Самарқанд областида 63 минг гектар, шундан колхозларда 44 минг гектар ва совхозларда 19 минг гектар, Бухоро областида 47 минг гектар, шундан колхозларда 34 минг гектар ва совхозларда 13 минг гектар, Сурхондарё областида 37 минг гектар, шундан колхозларда 22 минг гектар ва совхозларда 15 минг гектар, Хоразм областида 37 минг гектар (барчаси колхозларда), Қорақалпоғистон АССРда 56 минг гектар, шундан колхозларда 13 минг гектар ва совхозларда 43 минг гектар ер ажратилади.

Республика қишлоқ хўжалиги министрлиги ва унинг маҳаллий органлари, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари: машина теримига участкаларни 20 февралгача белгиланган ҳажмда ажратишлари; ана шу участкаларда агротехника тадбирлари комплексининг тўла амалга оширилишини таъминлашлари керак.

Пахтани барвақт очилтириш — машина теримида муваффақият қозонишнинг муҳим шартидир. Шунинг учун машина теримига ажратилган участкалардаги ҳамма иш шундай ташкил қилиниши керакки, август ойининг охирида ва сентябрь ойининг бошида ўсимликларнинг кўпчилик қисмида ҳар бир тупда камида 1-2 тадан кўсак очилсин.

Ғўза баргини ўз вақтида тўктириш керак, токи, сентябрнинг ўрталарида ҳамма жойда машина теримига киришилиб, бу иш октябрь ойида тамомлансин, ноябрь ойида эса бутун ҳосилни териб олиш тугалласин. Декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида эса машина теримига ажратилган майдонларнинг ҳаммаси тўла шудгор қилиб қўйилсин.

Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини танлаш ишини, уларни район партия комитетларининг бюроларида тасдиқдан ўтказишни тезда тамомлаш зарур ва яқин кунларда механик-ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни бошлаш керак. Партия ва совет органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари механик-ҳайдовчиларни танлашга алоҳида эътибор беришлари, уларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, илғор механик-ҳайдовчилар нинг тажрибаларини ўргатиш устидан назоратни кучайтиришлари керак.

Колхоз правленияларига пахта териш машиналарини фақат ремонт-техника станцияларининг устахоналарида, совхозларда эса марказий устахоналарда, айрим ҳолларда эса РТС устахоналарида ремонт қилиш тавсия этилади. 20 февралгача пахта териш машиналарининг ҳаммасини техника кўригидан ўтказиш, ҳар бир колхоз, РТС ва совхоз бўйича техниками ремонт қилиш графигини тузиш ва тасдиқлаб тамомлансин ҳамда бу машиналарни 15 августдан кечикмасдан, кўрак чувийдиган машиналарни эса 1 сентябрдан кечикмасдан тахт қилиб қўйиш учун дарҳол ремонт ишларига киришилсин.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига, республика Қишлоқ хўжалиги министрлигига «ХВС-1,2» ва «СХС-1,2» пахта териш машиналарининг агрегатларини ва узелларини заводларда ремонт қилишни уюштириш топширилди.

Пахтани машинада териш ва уни қоп-қанорсиз ташишнинг поток усулига, пахтани қуритув-тозалов цехларида марказлаштирилган тартибда қуритиш ва тозалашга энг самарали усул сифатида алоҳида аҳамият билан қараб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети 1961 йилда машинада терилган ҳосилдан 500 минг тоннасини, шу жумладан, Тошкент областида 118 минг тонна, шундан колхозларда 69 минг тонна ва совхозларда 49 минг тонна, Фарғона областида 70 минг тонна, шундан колхозларда 46 минг тонна ва совхозларда 24 минг тонна, Андижон областида 95 минг тонна, шундан колхозларда 80 минг тонна ва совхозларда 15 минг тонна, Самарқанд областида 53 минг тонна, шундан колхозларда 41 минг тонна ва совхозларда 12 минг тонна, Бухоро областида 40 минг тонна, шундан колхозларда 30 минг тонна ва совхозларда 10 минг тонна, Сурхондарё областида 40 минг тонна, шундан колхозларда 28 минг тонна ва совхозларда 12 минг тонна, Хоразм областида 44 минг тонна (барчаси колхозларда), Қорақалпоғистон АССРда 40 минг тонна, шундан колхозларда 14 минг тонна ва совхозларда 26 минг тоннасини қоп-қанорсиз ташиш планини белгилади.

1961 йилда ғўзани механизация воситаси билан суғориш юзасидан 5 минг гектар майдонда тажриба ўтказилади, шу жумладан 2 минг гектар майдондаги ғўза сунъий ёмғир ёғдирадиган машиналар ва 3 минг гектар майдондаги ғўза эгилувчан трубалар ёрдами билан суғорилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қишлоқ хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ва Халқ хўжалиги кенгаши зиммасига гербицид ишлаб чиқаришни кенг жорий қилиш вазифасини юклади.

Қарорда пахтачиликда техника тараққиётининг актуал масалаларини бундан кейин ҳам ишлаб чиқишни ташкил қилишда, ғўза парваришининг янги прогрессив усулларини ишлаб чиқиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш да, шунингдек, машиналарнинг конструкциясини такомиллаштиришда, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ташкил қилиш формаларини бундан кейин ҳам такомиллаштириш ишларини олиб боришда илмий тадқиқот ва конструкторлик ташкилотларининг фаолиятини кескин даражада яхшилаш зарурлиги алоҳида қайд қилиб ўтилади. Чигитни уяга аниқ экиш усулларини такомиллаштиришга, бегона ўтга қарши кураш учун яхши таъсир қиладиган кимёвий дориворлар қидириб топишга, қатор ораларини ишлайдиган қуролларни, ғўзани механизация воситаси билан суғоришни такомиллаштиришга, дефолиация ва десикациянинг таъсирини оширишга, машина ўтгандан кейин қолган ҳосилни қўлда териб олишдан халос қиладиган янги, такомиллаштирилган пахта териш машиналарини, шунингдек кўрак узадиган ва ғўзапоя юладиган машиналарни, юк ортадиган ва тушиradиган ишларни механизациялаш воситаларини, хўжаликнинг ичкаридаги ирригация-мелиора ц и я ишларини бажарадиган машиналарни вужудга келтиришга, бегона ўтни илдизи билан юлиб ташлайдиган машиналар ихтиро қилишга, пахта тозалаш саноати учун такомиллаштирилган ускуналар яратишга алоҳида эътибор бериш керак.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига 1961 йилда ғўзани парвариш қилиш ва пахта йиғим-терим ишларини комплекс механизациялашдаги илғор тажрибалар тўғрисида брошюралар ва плакатларни тайёрлаш, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига эса ана шу брошюра ва плакатларни нашр қилиш таклиф этилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика ва область газеталари, Министрлар Совети ҳузуридаги радио эшиттириш ва телевидение бош бошқармаси зиммасига пахтачиликда техника тараққиётини амалга оширишни тез-тез ва батафсил ёритиб туриш вазифасини юклади.

Мазкур қарорни колхоз ва совхозларнинг бошланғич п а р т и я ташкилотларида муҳокама қилиб чиқиш, ҳар бир хўжаликка ўша хўжаликнинг конкрет шароитини ҳисобга олган ҳолда прогрессив иш усулларини янада кенгроқ жорий қилиш юзасидан тадбирларни белгилаб чиқишда кўмаклашиш область ва район партия комитетларининг вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, илмий тадқиқот ва конструкторлик ташкилотларининг ходимлари, республика қишлоқ хўжалиги ва саноатининг барча мутахассислари прогрессив усулларни янада ривожлантириш республикада пахта етиштиришни янада зўр бериб кўпайтиришнинг негизи бўлган пахтачилик ишларини комплекс механизациялашни тезда тамомлаш юзасидан партия қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун кучларини сарф қиладилар деб қаттиқ ишонадилар.

ПАРТИЯ ПРОПАГАНДАСИ ВА ЛЕКТОР-КОНСУЛЬТАНТ

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори партиянинг омма ўртасида олиб борадиган ғоявий ишларини янада юксак даражага кўтаришга йўл очиб берди. Бу қарор чиққандан буён ўтган бир йил ичида Тошкент шаҳар партия ташкилотлари пропагандасининг таъсирчанлигини ва сафарбар этувчи ролини янада оширишга эришдилар.

Сиёсий маориф уйи ҳамда унинг ходимлари — лектор ва консультантлар бу муҳим вазифаларни ҳал қилишда катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Биз лекторлар ва консультантларнинг ишларини амалий жиҳатдан қандай ташкил қилмоқдамиз? Даставвал шуни айтиш керакки, бу вазифаларнинг ҳаммасини бажариш кўп минг кишилик пропагандистлар, лекторлар армиясига малакали назарий ва методик ёрдам кўрсатишни талаб қилади. Бироқ сиёсий маориф уйининг штатли тўртта лектор-консультанти билангина бу вазифани тўла ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз биринчи навбатда, ҳар бир лектор-консультант учун Фанлар академиясининг профессорлари, илмий ходимлари, штатда бўлмаган лектор ва пропагандистлардан иборат активлар тўпладик. Бу ишда республика министрликлари ва Давлат план комиссияси ҳамда бошқа муассасаларнинг ходимлари ҳам ёрдам бераётганлар. Сиёсий маориф уйининг 200 га яқин активи ёрдами билан партия пропагандасининг хилма-хил назарий, методик ва ташкилий масалаларини ҳал қилаётирмиз.

Штатли ва штатсиз ходимлар бир хил ишни такрорламасликлари учун лектор-консультантларнинг ишини ихтисослаштирдик. Масалан, лекторлардан иккитаси шаҳарда лекция пропагандаси масалалари билан шуғулланади: сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг шаҳар ва район бўлимларига оталик қилади. Тошкент шаҳар партия комитетининг штатсиз лекторлар группасига раҳбарлик қилади. Бундан ташқари, улар шаҳар ва район партия комитетларида ҳамда бошланғич партия ташкилотларида назарияни мустақил ўрганувчиларга ёрдам бериш учун циклли лекциялар ўқишни ташкил этадилар, шаҳар лекторлари билан назарий, методик масалаларни, лекторларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш ишларини уюштирадилар ва ўзлари вақти-вақти билан лекциялар ўқийдилар. КПСС тарихи ҳамда кундалик сиёсат юзасидан консультациялар ўтказадилар.

Яна иккита лектор эса партия маорифи масалалари билан шуғулланади. Улардан бири КПСС тарихини пропаганда қилишни уюштириш билан шуғулланади.

Иккинчи лектор иқтисодий назарияни пропаганда қилиш ишларига бошчилик қилади ва уларни ташкил этади. Бу йил иқтисодий ўқишнинг кўлами уч баравар ўсганлиги сабабли иқтисодий назария юзасидан иш олиб борувчи лектор-консультантларнинг вазифаси яна ошди. Лектор-консультантларнинг ҳар қайсиси ўз ишини алоҳида планлаштиради. Шу планларга асосан, сиёсий маориф Уйининг умумий иш планы тузилади.

Тошкент шаҳар партия комитети сиёсий маориф уйининг лектор-консультантлари ўз ишларини қандай ташкил этдилар?

Лектор-консультантнинг энг муҳим вазифаларидан бири пропагандистлар билан ишлашдир. Пропагандистлар маҳорати қанчалик юқори бўлса, пропагандининг ғоявий даражаси, унинг таъсирчанлиги шунчалик юксак даражага кўтарилади.

Район ва шаҳар партия комитетлари ҳузурида доимий ишловчи семинарлар пропагандистларга шундай ёрдам кўрсатишнинг формаларидан биридир. Шаҳарда жами 63 та шундай семинарлар бўлиб, уларга 4 мингдан ортиқ пропагандист қатнашмоқда. Шу сабабли лектор-консультантлар биринчи навбатда бундай семинарларнинг ишини ташкил қиладилар ва йўлга соладилар. Улар район партия комитетлари билан биргаликда семинарга раҳбарлик қилувчи пропагандистларни танлайдилар, улар билан назарий ва методик ишларини олиб борадилар, семинарларнинг ишини планлаштирадилар. Масалан, иқтисодий назария юзасидан консультант бўлиб ишловчи ўртоқ И. Ўрмонов пропагандистларнинг навбатдаги семинар машғулотларини ўтказишдан олдин сиёсий иқтисод, конкрет экономика ва бошланғич иқтисодий тўғарак семинарларининг раҳбарлари билан учрашиб туради. Навбатдаги тема масалаларини назарий жиҳатдан тўрмушдан олинган материал билан қандай боғлаш, машғулотларда маҳаллий материалдан, кўргазмали қўлланмалардан қандай фойдаланиш кераклигини, пропаганда ишлари тажрибасини айирбошлашни қандай ташкил этиш кераклигини муҳокама қиладилар.

Консультантлар жуда катта методик ишларни олиб бормоқдалар. Масалан, консультант Г. Любимов КПСС тарихи ва фалсафа юзасидан кенгашлар ишини яхши ташкил этмоқда.

Ижодий тажрибани умумлаштириш ва оммалаштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Чунончи, шу ойда консультант Г. Любимов биринчи пойафзал фабрикасининг партия ташкилотида жамоатчилик йўли билан сиёсий маориф кабинетининг ишини ўрганиб чиқди ва бу тажриба Тошкент шаҳар партия комитетининг шу йил 23 январдаги бюро мажлисида муҳокама қилинди.

Лектор-консультантлр бошланғич партия ташкилотларида идеология ишларига доир материалларни шаҳар партия комитетининг бюроларига ва пленумларига тайёрлашда ҳамда партия пропагандасининг аҳволини ўрганишда Тошкент шаҳар партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлимига катта ёрдам бермоқдалар. Уларнинг кўп қиррали бу ижодий ишлари партия пропагандасининг ғоявий-сиёсий савиясини оширишдан иборат асосий вазифани бажаришга, коммунистлар ва партиясизларга марксча-ленинча назарияни чуқур ўрганишда конкрет ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Ф. МАЛИХИН,

Тошкент шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР СОВЕТИ

«Ташсельмаш» заводи партия комитети ўтган йилнинг бошларида завод комсомол ташкилотининг ёш мутахассислар Совети тузиш ҳақидаги таклифини маъқуллаб, шу Советнинг иш фаолияти учун тегишли йўлланма берган эди.

Икки ярим мингга яқин комсомол ва ёшлар орасидан танлаб олинган энг яхши тажрибали инженер-техниклар, ишлаб чиқариш новаторларидан 45 киши шу Советнинг аъзо сидир. Совет аъзолари асосан янги техниками ва технологияни жорий этиш, айрим цехларни реконструкция қилиш, комсомол-ёшлар томонидан кашф этилган рационализаторлик таклифларини муҳокама қилиш ва уни жорий этиш каби масалалар билан шуғулланади, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг иш тажрибасини умумлаштириш ва оммалаштиришда партия ташкилотига ёрдам беради.

Ёш мутахассислар Совети тез орада ўз ишини жонлантириб юборди. Бу Совет пахта териш машиналарининг янги хилларини ишлаб чиқариш ва эскиларини такомиллаштириш юзасидан бир қанча қимматли таклифлар берди. Завод комсомоллари техниками тараққий эттириш учун бошланган республика ёшлари юришида илғор ўринни эгаллаб, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлдилар. Мана шу муваффақиятни қўлга киритишда ёш мутахассислар Совети айниқса катта хизмат қилди.

Завод партия комитети ишчи ёшларининг ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш юзасидан бошланган ташаббусини қўллаб-қувватлаб, бу ҳаракатни кенгайтириш учун бир неча актив коммунистни цех, бригада бошланғич комсомол ташкилотларига бириктирди.

ЯНГИ ҲАЁТ ПОЭЗИЯСИ

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

Ҳой, ишчилар,
Эзилган меҳнатчилар!
Битсин золим бойлар!
Эркингни қўлдан берма.
Яша хизматчилар!

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Улуғ Октябрь социалистик революциясини юқоридаги сўзлар билан кутиб олган эди. Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ у ўз ҳоҳиши билан Қизил Армия сафларига кирди, драма труппаси тузди, инқилобий драмалар ва жанговар қўшиқлар ёзди. 1919 йилда «Атиргул» номи билан революцион шеърлар тўпламини босилиб чиқди. Бу билан Ҳамза янги ҳаёт поэзиясини, ўзбек социалистик реализм адабиётини бошлаб берди. Шунинг учун ҳам у ўзбек совет поэзиясининг асосчиси, новатор шоир сифатида қадрлидир.

* * *

Ҳамзанинг шеър ва адабиёт ҳақидаги тушунчаси Навоий, Муқимий, Фурқат каби ўзбек классик шоирлари, Ҳофиз, Фузулий каби қардош адабиётлар вакиллари ва ўзбек халқ оғзаки ижоди таъсирида шаклланди. Ҳамзанинг эстетик қарашларига прогрессив рус адабиёти ва маданиятининг ҳам таъсири баракали бўлди. Ҳамза ижодига у яшаган ва ижод қилган даврнинг тарихий шароити катта таъсир кўрсатди.

XX аср бошларида ўзбек халқи ҳам миллий, ҳам мустамлака зулмида азоб чекарди. бу зулмга қарши озодлик ҳаракати авж олган ва Коммунистик партия раҳбарлигида ғалаба томон келаётган эди. Ҳамза ана шу озодлик ҳаракатининг кўйчиси сифатида адабиётга кириб келди.

Октябрь инқилоби арафасида Ҳамза маърифатпарвар демократ арбоб бўлиб, асарларининг бош қаҳрамони меҳнаткаш халқ оммаси, бош мавзуи фуқаронинг азобли ҳаёти эди. Ҳамзанинг бу даврдаги шеърлари камбағалларга жўшқин муҳаббат ва уларнинг адолатсиз тузумдаги оғир аҳволига ачиниш ҳислари билан тўла.

Ўша замонда хотин-қизлар аҳволи айниқса оғир бўлиб, улар тамомила ҳуқуқсиз эди. Ҳамза бу ноҳақликка эътиборни жалб қилди. Бу ҳақда ўткир шеърлар ёзди. Бу шеърларда аёлларни ҳаётнинг ҳамма соҳаларида эрлар билан тенг кўриш ғояларини илгари сурди.

Ҳукмрон синф халқнинг аҳволига сира ачинмаслиги ва ташвиш чекмаслигини тушунган, фақат меҳнаткаш омманинг ижтимоий активлигини ошириш билангина ҳаётни яхшилаш ва қайта қуриш мумкинлигига кўзи етган шоир ўз шеърлари билан бевосита шу оммага мурожаат қилиб, уни уйғонишга, ўз эрк ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга чақирди. Ҳамза адолатли тузум учун бўладиган ҳаракатнинг оқибатига зўр умид билан қараб шундай ёзади:

Ўйлама, ўлгунча ҳар ким бу
разолатда кетар.
Шоҳлар бир кун гадо, бир кун
гадо шаҳзоддир.

Ҳамза ижтимоий онг уйғонишга учун биринчи навбатда халқ оммаси маърифатли бўлиши лозим деб тушунди ва тушунтирди. Бу соҳада у шахсан намуна кўрсатиб етим ва фақир болалар учун кутубхона ташкил этди, мактабларда ўқитилиши учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби» каби дарсликлар ёзди. Рус тили ва маданиятини эгаллашга чақирди. Бу ўша даврнинг тарихий шароитида жуда прогрессив аҳамиятга эга эди.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш лозимки, Ҳамза бу даврда маърифатнинг ҳаётдаги ролига ортиқча баҳо бериб юборди. У маърифат жамиятни қайта қуришнинг ягона воситаси деб тушунди. Шоир дунёқарашидаги бу янглиш моментлар сўнгги йилларда халқ озодлик ҳаракати таъсирида барҳам топди.

Халқ озодлик ҳаракати ўзининг юксак босқичига ўтиб, Коммунистик партия қуролли қўзғолон масаласини кун тартибига қўйган даврда Ҳамза бундай деб ёзди:

Қуроллан меҳнаткашлар
Бўлсин дунё сеннинг,
Бас энди қуллик кўриб,
Асрлар келганинг.

У ўзбек шоирлари орасида биринчи бўлиб социалистик революцияни олқишлади ва ўз фаолиятини ва бутун талантини социализм ишига бағишлади.

* * *

Совет ҳокимияти йилларида Ҳамза ижоди барқ уриб яшнади. Унинг ғоявий юксак. бадиий пишиқ поэтик асарлари шу даврда яратилди. Революцион шеърлари билан Ҳамза ўзбек совет адабиётига инқилоб темасини, янги, социалистик ҳаёт темасини олиб кирди. Ҳамзанинг революция йилларида ёзилган «Ҳой, ишчилар!», «Биз ишчимиз!», «Яша шўро!», «Ҳой, ҳой отамиз!», «Уйғон», «Ишчи бобо», «Ишчилар уйғон!», «Берма эркингни қўлдан!», «Қизил аскарларга», «Яшангиз деҳқонлар!» каби шеърларида социалистик жамият кишисининг ҳис туйғулари, унинг революция ишига содиқлиги, ички ва ташқи душманларга нафрати, ишчи ва деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқи, Қизил Армия жангчиларининг қаҳрамонлиги ўзининг бадиий ифодасини топди.

«Бутун инқилобий ташвиқотда, — деб ёзади бир хатида Ҳамза, — энг яхши таъсир берган нарса... шу саҳнадаги дардли шеърлар ва мунгли ашулалар бўлди».

Ҳамза қўшиқлари фақат тематик актуаллиги билангина эмас, сиёсий ўткирлиги, бадиий новаторлиги билан ҳам қимматлидир. Бу асарлар жўшқинлиги билан, мазмунига мос. енгил вазни билан ўзбек совет поэзиясига йўл чизиб берди.

«Революция, — деб ёзади академик Ойбек таржимаи ҳолида,— поэзия жанрларини ҳам ўзгартириб юборди. Совет шоирлари қадимги классик «аруз» вазнидан воз кечиб, ажойиб ёзувчимиз, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода ва баъзи шоирлар томонидан поэзиянинг ҳамма жанрларида тажрибадан ўтказилган, фольклордаги халқ қўшиқлари вазни «бармоқ» вазнида ёза бошладилар. Мен ҳам бармоқ вазнида ёза бошладим!».

Ҳамза поэзиядан ортиқча тамтароқлик, жимжимадорликни сиқиб чиқариб, шеър тилини оддий халқ тилига, жонли сўзлашув тилига яқинлаштирдики, бу поэзияда реализмнинг катта ғалабаси эди.

Ҳамза ижодининг ўзига хос хусусиятларидан яна баъзанлари темадаги актуаллик, партиявий принципиаллик, бадиий мукаммаллигидир. Шунинг учун ҳам халқимиз тарихидаги ҳар бир муҳим ҳодиса Ҳамза поэзиясида ўз ифодасини қолдирган. 1925 йили республикада ер ислоҳоти ўтказилиб, бой ва қулоқларнинг ерлари чоракор ва камбағал деҳқонларга олиб берилганда, Ҳамза бу муҳим сиёсий темага бир қанча асарлар бағишлади. Шулардан бири «Ер ислоҳоти» сарлавҳали шеърий драмадир. Бу асар ер ислоҳоти соҳасида Коммунистик партия сиёсатини ўқувчилар оммасига содда қилиб тушунтириб беради.

Ўзбек халқи тарихидаги жуда муҳим сиёсий тадбирлардан бири хотин-қизлар озодлиги учун, паранжига ва умуман эскилик сарқитларига қарши ҳужум кампанияси эди. Бу темада Ҳамза «Ўзбек хотин-қизларига», «Озод хотин-қизлар қўшиғи», «Бутун — 8 март», «Хотин-қиз овози». «Муборак» каби бир қанча шеърлар ёзди. Бу шеърлар жўшқинлиги, сиёсий ўткирлиги, бадиий пишиқлиги билан публицистик поэзиянинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Ҳамза хотин-қизлар озодлигини Октябрь инқилобининг мантиқий давоми сифатида тасвирлайди.

Шоирнинг совет даврида ёзган барча шеърлар

НУРОТА ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ҲИММАТИ

БИТТА ҲАМ ҚЎЙ НОБУД ҚИЛИНМАЙДИ ◎ ДАВЛАТГА 3 МИНГ ТОННА ГЎШТ СОТИЛАДИ ◎ ҲАР 100 СОВЛИҚДАН 110 ҚЎЗИ ОЛИНАДИ ◎ ҲАР БИР ҚЎЙДАН 3,1 КИЛОГРАММДАН ЖУН ҚИРҚИЛАДИ

СУРАТДА: «Қизилча» совхозининг илғор чўпонлари Нортой ЖУМАНИЁЗОВ ва М. ДУШАНОВ.

«БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ҚЎЙ ГЎШТИ ЕТИШТИРИШ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР БОР. АММО БИР ҚАНЧА РЕСПУБЛИКАЛАРДА ҚЎЙЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ КЎНГИЛДАГИДЕК ЭМАС. ХЎЖАСИЗЛИК ВА СОВУҚҚОНЛИК ОРҚАСИДА ҚЎЙЛАРНИНГ НОБУД БЎЛИШИ ҚАБИ ШАРМАНДАЛИ ҲОЛАТГА ХОТИМА БЕРИШ КЕРАК. КЎПГИНА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДА ҚЎЙЛАР ҲАММАНИНГ КЎЗ ЎНГИДА НОБУД БЎЛМОҚДА, ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ЭСА АНА ШУ ЯРАМАС АҲВОЛГА ТОҚАТ ҚИЛИБ КЕЛДИЛАР».

□ □ □

«БИЗ ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИГА ЭГАМИЗ ВА БУ МАҲСУЛОТЛАРНИ КЎПАЙТИРИШГА ЭРИШМОҒИМИЗ КЕРАК. ГЎШТ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЛАННИ ҚОЛГАН БЕШ ЙИЛ ИЧИДА БАЖАРМОҚ УЧУН МАМЛАКАТДА ҲАР ЙИЛИ ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИ 1 МИЛЛИОН 465 МИНГ ТОННА КЎПАЙТИРИШ ТАЪМИНЛАНИШИ ЛОЗИМ. БУ РЕАЛ РАҚАМДИР. АГАР ЯХШИ ИШЛАЙДИГАН БЎЛСАҚ, БУНДАН ЮҚСАКРОҚ СУРЪАТЛАРГА ЭРИШИШНИ ҲАМ ТАЪМИНЛАШ МУМКИН. 1959 ЙИЛДА БИЗДА ГЎШТ ЕТИШТИРИШ 1 МИЛЛИОН 100 МИНГ ТОННА ОРТГАН ЭДИ. ҲОЗИРГИ ВАҚТДА ЧОРВА МОЛЛАР СОНИ КЎПАЙДИ, БИНОБАРИН, ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАМ ОРТДИ».

(Н. С. ХРУШЧЕВнинг КПСС Марказий Комитети январь Пленумида сўзлаган нутқидан).

СУРАТДА: «Ғозғон» ва Ленин номли совхозларнинг илғор чўпонлари Ҳикмат ХОЛИҚОВ ва Тенглаш ҚИЛИЧЕВ ўртоқлар.

РАВНАҚ ЙЎЛИДА

КПСС XXI съезди ва Марказий Комитет Пленумлари қарорларини оғишмай бажара бориб, райониимиз чорвадорлари жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва маҳсулдорлигини оширишда ажойиб натижаларни қўлга киритмоқдалар. Район хўжаликларида етти йилликнинг иккинчи йили барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунланди.

Район совхозларида чорва моллар ўтган йили 1959 йилдагига нисбатан сезиларли даражада кўпайди. Қоракўл қўйлар сони бир йил ичида 23.500 бош ортди, қорамоллар 17 процент, чўчқалар 25 процент кўпайди. «Ғозғон», Ленин номли ва 2-«Кўшработ» совхозларининг чорвадорлари молларни, улардан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш йўлида айниқса самарали меҳнат қилаётирлар.

Қўйчиликни ривожланти р и ш д а коммунистлар етакчилик қилмоқдалар. Район совхозларида 465 коммунист бевосита ишлаб чиқаришда ишлайди. Совлиқлардан кўплаб қўзи олишда ном таратган чўпонларимиз орасида коммунистлар оз эмас. «Ғозғон» совхозининг бош чўпони коммунист Норбой Эргашев ўз меҳнати билан донг чиқарганлардан. У қўйларни зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилиб, ҳар 100 бош совлиқдан 142 тадан қўзи олишга ва ҳар бир қўйдан 4 килограммдан ошириб жун қирқиб топширишга муваффақ бўлди. Шунингдек, совхознинг Эсон Ёдгоров, Сано Очилов, Умурзоқ Қўчқоров каби илғор чорвадорлари ҳам коммунистларга хос намуналарни кўрсатдилар. Ленин номли совхозда коммунист Истам Рустамов, Махмирзо Мамараҳимов, область Советининг депутати Абдиназар Умаров, 2-«Кўшработ» совхозидан Эшназар Эронов, Холбек Жумартов каби долгдор чўпонлар ҳам ҳар 100 бош совлиқдан 120-130 тадан қўзи олишга эришдилар. Бундай азаматлар отарида йил давомида битта ҳам қўй нобуд бўлмади.

Чорвачилик соҳасида эришган катта ютуқларимизда партиявий-ташкилий ва сиёсий ишлар муҳим роль ўйнади. Район партия комитети ва бошлангич партия ташкилотлари барча партиявий, оммавий-сиёсий ишларнинг таъсирини, коммунист ва комсомолларнинг диққат-эътиборини чорва молларни тўлиқ сақлаб қолишга, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратмоқдалар. Шу мақсад билан отарларга 610 агитатор юборилди. Улар чўпонлар билан ҳамнафас бўлиб, чорвадорларга КПСС Марказий Комитети январь Пленуми материалларини, мамлакатимиздаги янгиликлар ва халқаро миқёсдаги ўзгаришларни тушунтирмоқдалар.

Жойларда чўпонларга маданий-маиший хизмат яхшиланаётир. Чорвадорларни иссиқ уст-бош ва турар-жойлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Шу кунларда биз барча эътиборни чорвадорларнинг меҳнат ғайратини оширишга ва КПСС XXII съездини катта ютуқлар билан нишонлашга қаратаётирмиз.

Шуни тан олиш зарурки, ютуқлар қаторида анча камчиликларимиз ҳам бор. Совхозларда ўтган йили илғорлар тажрибасидан ва янги, прогрессив усулларидан етарли фойдаланилмади. Чорва моллардан бола олишни кўпайтириш йўллари изланмади. Натижада биргина «Қизилча» совхози мажбуриятда белгиланганидан 6.000 бошдан зиёдроқ қўзини кам олди. Шундай қилиб, ҳар 100 бош совлиқдан олинадиган қўзи бир йил ичида 15 бош камайиб кетди. Ана шу совхоз раҳбарларининг (директори ўртоқ Бекжонов) масъулиятсизлиги натижасида ўтган йили 1.469 бош қўй нобуд қилинди.

Районимиз чорвадорлари яқинда ўз кенгашларига тўпланиб, ўтган йилги қилинган ишларга якун ясадилар ва 1961 йилги хўжалик вазифаларини белгилаб олдилар. Чўпонларимиз бир жон, бир тан бўлиб, бирорта ҳам молнинг нобуд бўлишига йўл қўймасликка, ҳар бир қўйни кўз қорачўғидай сақлашга, молларни қишдан тўқ ва соғлом олиб чиқишга аҳд қилишди.

Кенгаш қатнашчилари етти йилликнинг учинчи йилида жамоат чорвачилигини янада ривожлантиришга қаратилган ишларни белгилаб берди. Районимиз чорвадорлари Пленум қарорларини оғишмай амалга оширишга қатъий бел боғладилар.

Э. ЭШҚУВВАТОВ,
Ўзбекистон КП Нурота район комитетининг секретари.

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАМИЗ, БИТТА ҲАМ МОЛНИ НОБУД ҚИЛМАЙМИЗ

НУРОТА РАЙОН ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

□ □ □

Мамлакатимизнинг барча халқлари КПСС XXI съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун астойдил курашиб, етти йилликнинг иккинчи йилини халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида катта ютуқларга эришиш билан якунлади ва 1961 йилнинг улуғвор вазифаларини бажариш учун курашни уюшқоқлик билан бошлаб юборди. Биз Нурота районининг чорвадорлари бутун куч-қувватимизни мамлакатимизда чорва маҳсулотларининг мўл-кўллигини таъминлаш учун сарфлашга ҳамиша тайёрмиз. Биз ана шу мақсадда районда кенгаш ўтказдик, кенгашда 1960 йилда қилинган ишларга якун ясаб, 1961 йилги чорва қишловини намунали ўтказиш ва молларнинг биттасини ҳам нобуд қилмай, тўла сақлаб қолиш тадбирларини қараб чиқдик.

Ўтган йилги ишларимиз ёмон бўлмади. Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда каттагина ютуқларни қўлга киритдик. Район давлатга 2873 тонна гўшт, 2110 тонна сут, 9293 центнер жун, 89 минг дона қоракўл тери топшириб, планларни анча оширib адо этди. Чорва моллар сони 1959 йилдагига нисбатан бирмунча ошди. Қоракўл қўйлар сони 23.500 бош, қорамоллар сони 17 процент, чўчқалар 25 процент кўпайди.

Ҳар бир киши ўз бахтини ҳалол меҳнатидан топади, меҳнат уни шон-шуҳратга қоплайди, номини тилларда достон қилади. Биз буни жуда яхши тушунамиз. Районимизда Ватанга садоқат билан меҳнат қилиб, шон-шуҳрат орттирган азаматлар ўтган йил янада кўпайди. «Ғозғон» совхозининг чўпонларидан Норбой Эргашев, Эсон Ёдгоров, «Қизилча» совхозининг ишчиларидан Азимгул Қуноқова, Ёлғош Раббимов, Ленин номли совхознинг чўпонларидан Истам Рустамов, Абдуназар Умаров, 2-«Кўшработ» совхозининг ишчиларидан Эргаш Нуримов, Холбек Жумартов ўртоқлар ана шундай кишиларлардир. Улар ҳар юз бош совлиқдан 120-142 тадан қўзи, ҳар бош қўйдан 3.5-4 килограммдан ортиқ жун қирқиб олишга муваффақ бўлдилар. Бу билан улар ўз шон-шуҳратини бутун мамлакатга тараттирдилар.

Маълумки, 1960 йил пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик учун ҳам анча ноқулай келди. Районимизнинг чорвадорлари ўз ҳалол меҳнатлари билан бу қийинчиликларни мардонавор енга олдилар. Моҳир чўпонлардан Норбой Эргашев, Истам Рустамов, Сирож Усаров ва бошқалар айниқса маҳорат кўрсатиб ишладилар. Улар қўйларни яйловларда кеча-кундуз меҳр билан парвариш қилдилар, ориқ молларни алоҳида ажратиб боқдилар. Натижада уларнинг боқимидаги қўйлар доим ўртадан юқори семизликда бўлди, битта ҳам мол нобуд қилинмади.

Ўтган йил қўлга киритган ютуқларимиз бизни асло эсанкиратмайди, балки янада астойдил ишлашга даъват этади, улуғ мақсад йўлида белни тағин ҳам маҳкам боғлашга ундайди. Биз ана шуларни назарда тутиб, ўз кенгашимизда бир жон-бир тан бўлиб ишлашга, ҳар бир молни кўз қорачиғидай асрашга, уни қишдан семиз ва соғлом олиб чиқишга қарор бердик. Бу соҳада илғор чўпонларимиз томонидан амалга оширилаётган тадбирларни маъқуллаймиз, уларнинг иш тажрибаларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этишга, молларни қишдан семиз ва соғлом олиб чиқишга қаратилган яхши ишларни амалга оширишга аҳд қилдик.

Коммунистик партия чақириғи, Ватанимиз даъвати, қалбимиз амри билан шу қиш даврида қуйидаги вазифаларни бажаришни зиммамизга олдик:

1. Қиш ҳар қандай оғир келганда ҳам, совхозларимиз отарларидаги барча қўйларнинг юқори семизликда бўлишига эришамиз. Шу мақсадда:

а) отарлардаги қўйларнинг семизлигини ҳар ўн беш кунда бир марта ёппасига текширишдан ўтказамиз, ориқлай бошлаган, ўзини салгина олдирган, касалликка чалинганлиги сезилган қўйларни дарҳол ажратиб, алоҳида боқамиз, бу ишга яхшинг кўзини биладиган тажрибакор чўпонларни биркитиб қўямиз;

б) қўйлар қишлайдиган яйловлардаги қўйхоналар ёнида зарур миқдорда ем-хашак, ширали ва концентрат озуқалар бўлишини таъминлаймиз;

в) қўйларнинг доим семиз ҳолда бўлишини таъминлаш учун уларга ем-хашакни фақат майдалаб, рацион бўйича берамиз, жамғарилган ем-хашакнинг бир граммини ҳам беҳуда сарфламаймиз ва исроф қилмаймиз. Бунинг учун совхозлар ихтиёридаги хашак майдалайдиган ҳамма машиналарни ишга соламиз ва улардан унумли фойдаланишни ташкил этамиз;

г) зооветеринария қоидаларига мувофиқ ва илғорлар тажрибаси асосида қўйларни кечалари ҳам яйловда боқиш усулини қўлланамиз;

д) қиш фаслида барча қўйлар, айниқса бўғоз совлиқлар устидан қаттиқ назорат ўрнатамиз, уларни фақат қудуқларнинг иссиқ суви билан суғорамиз, зоотехника қоидаларига мувофиқ туз билан таъминлаб турамиз.

2. Совлиқларни қишда қўзилатиш, соғлом қўзи олиш — кўп миқдорда жун, қоракўл тери, гўшт етиштириш демакдир. Совлиқларни қишда қўзилатиш чорвачилигимиздаги янгилик, зооветеринария фанининг ютуғи, илғор чорвадорлар меҳнатининг мевасидир. Бу тадбирни ишлаб чиқаришга тўла жорий этиш мақсадида қўйларни қишда қўзилатиш даврида қуйидаги тадбирларни амалга оширамиз:

а) Ёш қўзиларни тўла сақлаб қолиш учун ҳар бир отарда иссиқ хоналар бўлишига эришамиз;

б) совлиқларни қўзилатишни муваффақиятли ўтказиш, ёш қўзиларни тўла сақлаб қолиш учун ҳар бир отарга чўпонлардан ташқари ёрдамчи кучлар ажратамиз;

в) совлиқларни бир йилда икки марта қўзилатишни жорий этамиз, ҳамма совлиқларни, шунингдек қишда қўзилаган совлиқларни баҳорда уруғитиш учун ажратиб боқамиз. Шу йўл билан совлиқларнинг бир йилда икки марта кўзлашига эришамиз.

3. Молларда учрайдиган ҳар хил касалликларга қарши ўз вақтида курашиш, касалланган молларни яхшилаб даволаш йўли билан касалликларнинг тарқалишига, қўйларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз.

4. Ленин номли ва «Ғозғон» совхозлари коллективларининг ташаббуси асосида отарларда қўйчилик ишларини маданий равишда ташкил этамиз, бунинг учун ҳар бир отарда иссиқ қўралар ва қўзихоналар, ем-хашак сақланадиган омборлар қурамиз. Чўпонларга яхши уй-жойлар қуриб берамиз, чўпонларнинг уйларига радиоприёмникилар ўрнатиб берамиз, чўпонларнинг кундалик газеталар, журналлар, чорвачиликка доир адабиётлар билан ўз вақтида таъминлаб турилишига эришамиз.

5. Совхозлар, бўлимлар ва чорвадорлар ўртасида битта ҳам молни нобуд қилмаслик юзасидан социалистик мусобақани тобора авж олдирамиз. Мусобақа ғолибларига бериш учун район бўйича битта, ҳар бир совхоз бўйича битта, совхозларнинг бўлимлари бўйича иккита кўчма Қизил байроқ таъсис этамиз. Мусобақа илғорларини мунтазам равишда рағбатлантириб турамиз. уларнинг тажрибасини ўрганамиз ва кенг оммалаштирамиз. Шу мақсадда илғор чўпонларнинг тажрибаларини газеталарда мунтазам ёритиб борамиз, кўргазмали тахталарда уларнинг номларини кўрсатамиз, «Жанговар варақа»ларга ёзамиз. Ҳар ойда социалистик мусобақага якун ясаймиз.

6. Чорва моллар қишловини намунали ўтказиш билан бирга, улуғвор етти йилликнинг учинчи йилида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш ишларини муваффақиятли олиб борамиз. Шу мақсадда қуйидаги оширилган мажбуриятларни зиммамизга оламиз:

1961 йилда ҳар 100 бош совлиқдан 110 тадан қўзи оламиз. Давлатга 90 минг дона қоракўл тери топширамиз, давлатга топширилган қоракўл терининг 85-90 процентининг биринчи сортга ўтказилишига эришамиз. Ҳар бир қўйдан 3,1 килограммдан жун қирқиб оламиз, қўйларнинг тирик вазнини 42 килограммга етказиб гўштга топширамиз, давлатга 3.000 тонна гўшт етказиб берамиз.

Биз, нуротали чорвадорлар республикамиздаги колхоз ва совхозларнинг барча чорвачилик ходимларини, мутахассисларини чорва моллар қишловини муваффақиятли ўтказишга, бир бош молни ҳам нобуд қилмаслик учун тинмай курашишга чақирамиз.

Социалистик мажбурият Нурота район чорвадорларининг кенгашида маъқулланган ва бир оғиздан қабул қилинган.

ЮКСАК РЕЖАЛАР

Совхозимиз чорвадорлари партия ва ҳукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини кескин ошириш йўлидаги қарор ва кўрсатмаларига амал қилиб, йилдан-йилга улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Совхоз коллективининг фидокорона меҳнати туфайли чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планлари ошиги билан адо этилмоқда.

Ўтган йили совхозимиз чорвадорлари эришган ютуқлар айниқса қувончли бўлди. Давлатга 830 тонна гўшт, 462 тонна сут, 218 тонна жун, 21.463 дона қоракўл тери етказиб берилди ва йиллик планлар анча оширib бажарилди.

Совхозимизда чорвачиликнинг тилини яхши билган илғорлар кўп. Фрунзе номли бўлимнинг бош чўпони Истам Рустамов, область советининг депутати Абдиназар Умаров, Махмирза Мамараҳимов, Тоҳир Пўлдошев, Раҳмон Файзиев каби чўпонлар ўз отарларидаги қўйларни зооветеринария қоидалари асосида боқиб, ҳамиша илғорлар сафида бормоқдалар. Уларнинг ҳар бири 1960 йилда ҳар 100 бош совлиқдан 115-125 тадан қўзи олишга эришдилар ва ҳар қўйдан киркиб олинадиган жунни 3,5-4 килограммга етказдилар, қоракўл териларнинг 85-90 процентини биринчи сортга топширишга муваффақ бўлдилар. Улар қўйларни нобуд қилмаслик чораларини кўриб, бирортасини ҳам чиқим бўлишига йўл қўймадилар. Бу — қўйчиликда ажойиб муваффақиятдир.

Ҳозир совхозимизда 71.999 бош қўй, 2.173 бош қорамол, 1.818 бош чўчқа бор. Чорвадорларимиз чорва молларни қишдан нобуд қилмай асраб чиқиш чораларини барвақт кўриб қўйганлар. 16.390 тонна дағал хашак, 5.135 тонна силос тайёрланди. Ем-хашак ва озуқаларнинг асосий қисми моллар қишлайдиган жойларга ташиб келтирилган. Мавжуд чорва бинолари вақтида ремонт қилиниб, янги қўра ва қўтонлар қурилди.

Совхозимизда бу йил 3.000 совлиқ қишда қўзилайди. Қўзилатишни уюшқоқлик билан ўтказиш ва қўзиларни нобуд қилмай сақлаб қолиш тадбирларини кўриб қўйганмиз.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларига жавобан совхоз коллективи чорвачиликни кескин даражада ривожлантиради. Биргина шу йилнинг ўзида қоракўл қўйлар бир неча минг бош кўпаяди, совлиқлар эса 49.217 бошга етади. Етти йилликнинг охирига бориб, совхозимиз чорвадорлари қарийб 90 минг бош қоракўл қўйга эга бўладилар.

Улуғвор етти йилликнинг учинчи йили — 1961 йилда чорва моллар сонини ўстириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда ажойиб муваффақиятни қўлга киритиш учун курашни бошлаб юбордик. Ҳеч шубҳа йўқки, совхозимиз коллективи зооветеринария фани ва илғорлар тажрибасига амал қилиб, совхоз бўйича ҳар 100 совлиқдан 110 тадан қўзи олиш ҳақидаги ваъдасининг устидан албатта чиқади.

Қулмон АБЛАЕВ,
Ленин номли қоракўлчилик совхозининг директори.

КАСБИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Чўпонлик—шарафли касб. Халқимиз уларни фахр билан «Яйлов баҳодирлари» деб атайди. Бу бечиз эмас, албатта. Чунки чўпон қаҳратон қишнинг совуғига ҳам, ёзнинг жазирама иссиғига ҳам кўникади, кўкламнинг ҳузурбахш шамолидан баҳра олади. У ўз вазифасини ҳалол ўтайди, она юртимизда маъмурчилик бўлишига ўз ҳиссасини қўшади.

Мен ҳам ўз бахтимни ана шу чўпонлик касбидан топдим. Оддий чўлиқ эдим—бош чўпон бўлдим, партия ва ҳукуматимиз меҳнатларимни ғадирлаб кўксимга Ленин ордени тақиб қўйди. Бу олий мукофот мени яна янги муваффақиятларни қўлга киритишга руҳлантириб юборди. Пахтакор районидаги «Ленинчи чорвадор» колхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсун Буматов билан мусобақалашишга аҳд қилдим. Унга тенглашиш учун кечани кеча демай, кундузни кундуз демай ишладим. Натижада ўтган йили қўлга киритган ютуқларим ёмон бўлмади. Ҳар 100 бош совлиқдан 142 тадан қўзи ва ҳар бир қўйдан 4 килограммдан жун олдим. Қоракўл териларнинг 90 процентини биринчи сортга топширдим. Йил-ўн икки ой давомида бирорта ҳам чиқимга, яъни бирорта ҳам қўйнинг нобуд бўлишига йўл қўймадим.

Бу ютуқларнинг сири йўқ. Ҳар кандай ютуқнинг калиди—меҳнат. Мен отаримда 809 бош қўйнинг ҳаммаси юқори семизликда бўлишига эришаман. Бунинг учун қўйларни серўт яйловларда боқаман ва бирорта қўй ўзини олдириб қўйса, қўлда боқишга ҳаракат қиламан. Қўйларда учрайдиган ҳар хил касалликларнинг олдини оламан. Бу—ҳар йили совлиқлардан кўпдаб қўзи ва жун олишнинг гарови бўляпти.

Бу йил мен ўз зиммамга юксак мажбуриятни олдим. 1961 йилда ҳар юз бош совлиқдан 180 тадан қўзи ва ҳар бир қўйдан 5 килограммга етказиб жун қирқиб олишни мақсад қилиб қўйдим. Мен бирорта ҳам қўйни нобуд этмаслик ва зиммамга олган мажбуриятимни сўзсиз уддалаш учун куч ва ғайратимни аямайман.

Норбой ЭРГАШЕВ,
«Ғозғон» совхозининг бош чўпони.

БОҚУВИГА БОҒЛИҚ

Ҳамма нарса ҳам парваришга боғлиқ. Агар кўчат ўтказиб, унга қарасангиз, кўп ўтмай мевасини тотасиз. Ерга чигит ташлаб, уни парвариш қилсангиз, мўл ҳосил унади. Қўйчилик ҳам шундай! Қўйларнинг бокимини яхшиласангиз, доим у билан бирга бўлсангиз, мақсадга эришасиз. Мен буни ўз тажрибамдан жуда яхши биламан.

Мен қўйчилик отарига ишга келганимда анча чўчиган эдим. Тажрибали чўпонлар ва зооветеринария ходимларининг яқиндан кўрсатган ёрдами туфайли чўпонлик ҳунарининг сирларини билиб олдим ва қарамоғимдаги қўйларни сидқидил парвариш қила бошладим. Меҳнатим самараси йилдан-йилга мўл бўляпти. Масалан, ўтган йили ҳар юз совлиқдан 122 тадан қўзи олдим, ҳар қўйдан қирқиб олинган жун ўртача 3,5 килограмм бўлди. Ун икки ой давомида бирор бош ҳам мол нобуд бўлмади.

Партия ва ҳукуматимизнинг биз чорвадорларга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб беришга одатланганман. Мен бу йил ҳар юз бош совлиқдан 153 тадан қўзи олишга аҳд қилдим. Қўйлардан олинадиган жун ва қоракўл териларнинг сифатли бўлишига эришаман. Мен илғор чўпонлардан ўрнак олиб, ўз қўйларимни қишдан тўқ ва соғлом олиб чиқиб, бирорта ҳам қўйни нобуд қилмайман. Бу менинг қалб сўзим. Юрак амрини бажаришга ҳамиша тайёрман.

Сирож УСАРОВ,
«Қизилча» совхозининг чўпони.

УЮШҚОҚЛИК

Қоракўлчилик н и н г тилини билсангиз бас—унинг турган-битгани бойлик. Бизда бу муҳим соҳани ривожлантиришнинг йўл-йўриғини кўп йиллик тажриба ва зоотехника фани ютуқлари асосида пухта ишлаб чиқан уста чорвадорлар кўп. Шунинг учун ҳам бўлимимизда гўшт, жун ва қоракўл тери йилдан-йилга кўп тайёрланмоқда.

Бўл и м д а 13.100 бош қоракўл қўй бор. Шундан 6.910 таси совлиқ. Чорвадорларимиз қўйлар парваришини наму н а л и уюштириш туфайли ўтган йили яхши натижаларга эришдилар. Бўлим бўйича мажбуриятдаги 344 центнер ўрнига 363 центнерга яқин жун тайёрланди, қўзи олиш ҳамда насл учун қўзи қолдириш топшириқлари оширib адо этилди. Ҳар 100 бош совлиқдан 113 тадан қўзи олинди. Бош чўпонларимиздан Сано Очилов, Тўракул Хўжақулов, Ҳайит Шомирзаев, Омон Чўлиев бошлиқ отарларда ҳар 100 бош совлиқдан 120-130 тадан қўзи ҳамда ҳар бош қўйдан 3.5 килограммдан жун олинди. Ана шу отарларда олинган қўзиларнинг 50-55 процента насл олиш учун сақлаб қолинди; давлатга топширилган қоракўл териларнинг 85 процента биринчи сортга ўтди.

Бу йилги зиммага олган мажбуриятимиз янада қунт билан, уюшқоқлик билан ишлашни талаб қилади. Энг муҳими чорвадорларимиз барча совлиқларни қишдан соғлом ва нормал семизлик д а олиб чиқишга қатъий ҳаракат этишган. Чўпонларимиз бўлим бўйича ҳар 100 бош совлиқдан ўртача ҳисобда 120 тадан қўзи олиб, давлатга қоракўл тери топшириш план и н и ҳам, қўйларни кўпайтириш топшириғ и н и ҳам ошириб бажаришни таъминлаш иштиёқида қишловни намунали ўтказмоқдалар. Яхши тадбир ҳар бир қўйни 45 килограмм оғирликда гўштга топшириш ва ҳар қўйдан 3,5 килограммдан жун қирқиб олиш юзасидан қабул қилган мажбуриятимизни уддалашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Қишда қўйларни нобуд қилмаслик ва уларнинг нормал семизликда бўлишини таъминлаш учун нималар қилмоқдамиз? Аввало, биз бўлимда қоракўл қўйларни боқиш ва сақлашда ҳар томонлама қулайлик бўлишига эришиш мақсадида молларни 20 отарга бўлганмиз, уларга 80 нафар чўпон бевосита биркитиб қўйилган. Ҳар бир отарда қўйларни сақлаш учун очиқ ҳамда усти берк қўралар мавжуд. Бу эса айниқса қоракўл қўйлар парваришида катта аҳамиятга эга. Қўйлар фақат ҳаво совуқ бўлганидагина кечаси усти ёпиқ қўраларда сақланади, бошқа пайтларда эса асосан очиқ қўрада сақланади.

Жамғарилган хашакларнинг ҳаммаси қишлов жойларига келтирилиб, ғарам қилиб қўйилган. Дағал хашаклар қўйларга ҳамма вақт майдалаб берилади. Натижада ем-хашак исрофгарчилигига барҳам берилди, қўйлар яхши қишламоқда.

1.000 бошдан ортиқ совлиқдан бир йилда икки марта қўзи олиш учун уларни сунъий йўл билан урчитдик. Ҳозир қўзилатиш бошланди. Бу эса чорвадорлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Чорвадорларимиз ана шуни ҳисобга олиб, қўзилайд и г а н совлиқларни алоҳида парвариш қилди л а р. Улар ажратилиб, оширилган рацион билан боқилди. Бунинг яна бир муҳим томони бор. Қишда олинадиган қўзиларнинг кўпчилиги насл олиш учун қолдирилади. Ёш қўзиларни қишда парваришлаш эса чорвадордан жуда катта устаалик талаб этади. Айниқса чўпонлар қўйларидан ҳамма вақт кўз-қулоқ бўлиб туриши керак.

Биз қишда ҳам қўйларнинг нормал семизлигини таъминлаш мақсадида тунда яйловлардан унумли фойдаланишни жорий этганмиз. Қўйлар ҳар куни кечаси яйловда боқилади.

Чорва қишлови н и намунали ўтказиш кўп жиҳатдан чўпо н л а р тажрибасига, уларнинг маҳоратига бо ғ л и қ. Шунга кўра биз барча отарларимизни тажрибали чўпонлар ва зооветеринария ф а н и ютуқлари билан яхши қуролланган мутахассислар билан таъминлаганмиз. Чўпон л а р қишки иссиқ кийимлар ва иссиқ турар жойларга эга.

Араб РУСТАМОВ,
«Ғозғон» совх о з и «Коммунизм» бўлимининг бошқар у в чиси.

КАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ҚАДИМИЙ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ НИШОНАЛАРИ

Хэнань вилоятининг бош шаҳри — Чжэнчжоу корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ҳилма-ҳил газламалар, йигирув ва тўқув станоклари, электр аппаратуралари ва бошқа маҳсулотлар Хитойда яхши ном чиқарган.

Қадимий Чжэнчжоу кейинги йилларда эллик минг аҳолиси бўлган, истеъмол қилувчи шаҳардан Хитой Халқ Республикаси енгил саноати ва машинасозлигининг катта марказига айланди. Хитойда халқ революцияси ғалаба қилганидан буён ўтган давр мобайнида Чжэнчжоуда ўнлаб корхоналар шу жумладан йилига 300 миллион метрдан кўпроқ газлама ишлаб чиқарадиган олтита тўқимачилик фабрикаси барпо этилди. Бу ерда ишлаб турган иккита тўқимачилик машинасозлиги заводи шаҳарнинг тобора жадал суръатлар билан ўсиб бораётган тўқимачилик саноатини ҳамма зарур машина-ускуналар билан тўла таъминлабгина қолмай, балки мамлакатнинг бошқа районларига ҳам турли станоклар етказиб бериб турибди.

Шаҳарда уй-жой қурилиши кенг кўламларда олиб борилмоқда. Илгари торгина кўчалар ва ничик уйлардан иборат бўлган қадимий шаҳар атрофида ишчи кварталларининг ёруғ корпуслари қад кўтарди. Шаҳарда ярим миллион квадратметрга яқин янги уй-жой бинолари барпо этилди.

Янги Чжэнчжоу учун шу нарса характерлики, аҳолининг маданий савияси тинмай ўсиб бормоқда. Шаҳарда икки институт, ўнлаб техникум, юзлаб мактаб очилиб, буларда юз мингдан кўпроқ киши таълим олмоқда.

УЧ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Венгрия Халқ Республикасининг Марказий статистика бошқармаси мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1958-1960 йилларга мўлжалланган уч йиллик плани бажарилганлиги ҳақидаги ахборотни эълон қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, уч йил мобайнида мамлакатнинг миллий даромади пландаги 13 процент ўрнига 20 процент кўпайган. 1960 йилда саноат ишлаб чиқариши 1957 йилдагига нисбатан планда кўзда тутилган 22 процент ўрнига 40 процент кўпайди. 1958-1960 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 1955-1957 йилдагидан даражадан 11-12 процент ошиб кетди.

Уч йил мобайнида капитал маблағ сарфлаш ҳажми дастлабки белгиланган даражадан тахминан 45 процент кўпайди.

Уч йиллик планни бажариш жараёнида Венгрия қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар рўй берди. 1961 йил 20 январда мамлакатда 4750 қишлоқ хўжалик кооперативлари бўлиб, улар деҳқонлардан 1,100 минг нишини бирлаштириб турибди. Мамлакатдаги ҳамма экин майдонларининг 87,2 процентни қишлоқ хўжалигидаги социалистик секторга (давлат хўжаликларига ва ишлаб чиқариш кооперативларига) қарашлидир.

Венгриянинг халқаро иқтисодий алоқалари анча кенгайди. Импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми ҳар йили ўрта ҳисобда 23 процент, экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми эса йилига 13 процент кўпайди.

Планни бажариш жараёнида соғлиқни сақлаш, маориф ва маданият соҳасидаги аҳвол янада яхшиланди.

Конгода қонуний ҳукумат тиклансин!

Конго, Жазоир ва Лаос халқларига озодлик

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет Комитети президиумида

МОСКВА, 1 февраль. (ТАСС). Бугун Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет Комитети президиумининг мажлиси бўлди. Мажлисда Осиё ва Африка халқларни бирдамлиги кенгашининг яқинда Қоҳирада бўлиб ўтган фавқулодда сессиясининг якунлари тўғрисида Комитет раиси ёзувчи Мирза Турсунзоданинг ахбороти тингланди.

Президиум сессиядаги Совет делегациясининг фаолиятини ҳамда бирдамлик кенгашининг Конго, Жазоир, Лаос халқлари ҳамда Осиё ва Африкадаги бошқа мамлакатлар халқларининг миллий-озодлик курашини қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорларини якдиллик билан маъқуллади. Президиум Конгога ёрдам кўрсатувчи халқаро комитет тузилишини табриклади ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет Комитетига унинг фаолиятида актив қатнашади. деб билдирди.

Комитет президиуми совет кишиларининг иродасини ифодалаб, барча тинчликсевар халқларга мурожаат қилди ва уларни Конго Республикаси бош министри Патрис Лумумбанинг ҳамда Конго қонуний ҳукумати ва парламенти ҳамма аъзоларининг дарҳол озод қилинишига ва республиканинг бутун территориясида қонуний ҳукумат ҳокимиятининг тикланишига эришишга даъват этди.

ЛАОС ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ЛОНДОН, 1 февраль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Вьентьяндан хабар беради: Бун Ум-Фуми Носаван қўшинлари кейинги 24 соат ичида «икки марта мағлубиятга учрадилар».

Сам-Неа вилоятининг шарқий қисмида исёнчиларнинг сўнгги таянч пункти бўлган Фа-Тхи 31 январда Патет-Лао кучлари қўлига ўтди ва исёнчиларнинг ана шу шаҳарда бўлган икки ротасининг тақдири маълум эмас.

Конг Ле ва Патет-Лао кучлари шундан бир неча соат аввал Вьентьян-Луан-Прабан йўлида жойлашган Муонг-Кассидан шимолда пистирма қуриб, Бун Умнинг 40 дан кўпроқ солдатини ўлдирдилар ва яраднор қилдилар.

ШАҲЗОДА СУФАНУВОНГНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ХАНОЙ, 1 февраль. (ТАСС). Нео Лао Хак Сат партияси Марказий Комитетининг раиси шаҳзода Суфанувонг матбуот конференциясида бундай деди: «Таиланд ҳукуматининг Лаос қонуний король ҳукуматига ва Лаос халқининг миллий озодлик йўлидаги ҳаракатига қаршилик кўрсатишда Фуми Носаван — Бун Ум исёнчилар тўдасига ёрдам бериш мақсадида Лаосга Таиланд армияси жуда кўп қисмларини юбораётганига қарши қатъий норозилик билдираман».

Суфанувонг Лаос газеталари, «Патет-Лао овози» радиоси ва Ханойдаги «Нян зан» газетаси вакилларининг саволларига жавоб қайтариб, Суванна Фума қонуний ҳукумати ўтказаётган тинчлик, бетарафлик ва миллий ҳамжиҳатлик сиёсатини Лаосдаги барча ватанпарвар кучлар якдиллик билан қўллаб - қувватлаётганликларини таъкидлади, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги.

Шаҳзода Суфанувонг Камбоджа давлати бошлиғи шаҳзода Нородом Сианукнинг Лаос масаласини ҳал қилиш учун ўн бир мамлакат, шу жумладан 1954 йилги Женева кенгашида қатнашган мамлакатлар ҳамда Лаосга қўшни бўлган баъзи мамлакатлар кенгашини чақириш ҳақидаги таклифига тўхталиб, қуйидагиларни айтди: «Биз бу хилдаги таклифларнинг ҳаммасини табриклаймиз. Биз шаҳзода Сианук таклиф қилганидек, 1954 йилги Женева кенгаши қатнашчиларининг яна чақирилишини ёки манфаатдор мамлакатларнинг иштироки билан худди шундай кенгаш чақирилишини талаб қиламиз... Фақат шундай кенгашгина Лаос масаласини тўғри ҳал этиш йўлини топа олади».

КУБА РЕВОЛЮЦИОН ТРИБУНАЛИНИНГ ҲУКМИ

ГАВАНА, 2 февраль. (ТАСС). Куба революцион трибунали Америка гражданларидан олти кишини 30 йиллик муддат билан тюрьма жазосига ҳукм қилди.

Куба матбуотининг хабар қилишича, олиб борилган терғов материаллари айбланувчилар контрреволюционерларнинг Флоридадаги лагеридан жиноий экспедицияга жўнаб кетишганликларини кўрсатди. Куба соҳилларига маҳфий равишда тушишга муваффақ бўла олмасликларига ишонч ҳосил қилганликларидан кейин, улар ўз ихтиёрларида очиқдан-очиқ Гавана бухтасига кириб келиб, ўзларини «революцияга ёрдам бериш» мақсадида АҚШдан қочган кишилар деб кўрсатишга уринмоқчи бўлганлар, аммо уларнинг бу ниятлари фош этилди. Ашёвий ва ҳужжатли далиллар айбланувчиларнинг ўзларига АҚШда бошпана топган Куба контрреволюционерлари билан алоқада эканликларини ва уларнинг Куба революциясига қарши курашдан иборат жиноий мақсадларини тасдиқлади.

«ТРУД» ТОШКЕНТДА БОСИЛМОҚДА

«Правда», «Известия», «Комсомольская правда», «Литературная газета», «Учительская газета», «Сельская жизнь» марказий газеталари «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонасида босилар эди. 1 февралдан бошлаб Бутуниттифоқ касаба союзлари органи «Труд» газетаси ҳам Москвадан самолётда келтирилган матрицадан Тошкентда босила бошланди.

СССР, БИРМА, ҲИНДИСТОН ВА БИР ЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БМТдаги ДОИМИЙ ВАКИЛЛАРИ БОШ АССАМБЛЕЯ 15 СЕССИЯСИНИНГ РАИСИГА МАКТУБ ЮБОРДИЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 1 февраль. (ТАСС). Совет Иттифоқи, Бирма, Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакиллари—БМТ васийлик кенгашининг аъзолари Бельгия васийлигидаги Руанда-Урунди территорияси составига кирган Руанда ҳокими Кигери V нинг агдариб ташланганлиги ва Руанданинг «мустақил республика» деб эълон қилинганлиги тўғрисида 31 январда Бош Ассамблея XV сессиясининг раиси Болэндга мактуб юбордилар.

Мактубда матбуотнинг Руанда янги режими «Бельгия томонидан ўтган йили тузилган муваққат ҳукумат» эканлиги ва бу режим «бельгияликларнинг бундан буён ҳам шу ерда қолишларига хайрихоҳлик билан қараётганлиги» тўғрисидаги хабарларига эътибор жалб этилади.

Ҳолбуки, деб таъкидлаб ўтилади мактубда, васийлик тўғрисида тузилган ва 1946 йилда Бош Ассамблея томонидан маъқулланган битим ана шу территориянинг яхлит бир мамлакат сифатида мустақилликка эришувини кўзда тутади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1960 йил декабрь ойида васийлик кенгашининг ягона Руанда-Урунди давлатини вужудга келтириш мақбул эканлиги тўғрисидаги хулосасини таъкидлаган эди.

Мактубда яна бундай дейилади: Бош Ассамблея бельгиялик бошқарувчи маъмурлардан «халқнинг шу масала ҳақидаги истаклари аниқланганига қадар ҳокимнинг ўз функцияларини амалга ошира олиши учун уни ўз ваколатларидан маҳрум этиш мақсадини кўзда тутган тадбирларини бекор қилишни» илтимос қилган эди. Халқнинг ана шу масала ҳақидаги истакларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти комиссиясининг кузатиши остида референдум ўтказиш йўли билан аниқлаш кўзда тутилган эди.

Мактубда бундай дейилади: Биз, васийлик кенгашининг аъзолари, васийликдаги территорияда кейинги вақтларда бўлган воқеаларни ва Руанда-Урунди тўғрисида Бельгия расмий доираларининг айтган гапларини назарда тутиб, Бош Ассамблея раисининг эътиборини Бош Ассамблеянинг мазкур резолюцияларини бажариш учун зарур чораларнинг ҳаммасини тезроқ кўриш кераклигига жалб этамиз.

СССР, Бирма, Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Республикасининг вакиллари ўз мактубларини Бош Ассамблеянинг ҳужжати сифатида босиб чиқаришни сўрайдилар.

ИНДОНЕЗИЯ «КАСАБЛАНКА ХАРТИЯСИНИ» ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

РАБОТ, 1 февраль. (ТАСС). Марокаш короли Муҳаммад V Индонезия президенти Сукарнодан хат олди. Бу хатда Индонезия президенти Сукарно «Касабланка хартиясини» ва Африка давлатлари бошлиқлари конференциясида қабул қилинган қарорларни тамомила қўллаб-қувватлаётганлигини хабар қилади.

КУАДРОСНИНГ ҚАРОРИ

ПАРИЖ, 1 февраль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Бразилия мухбирининг хабар беришича, Бразилиянинг янги президенти Куадрос Энреке Галвaонинг португалиялик қўзғолончиларига ва унинг сафдошларига бугун сиёсий бошпана олишни таклиф қилган.

БЕН-ГУРИОН ИСТЕЪФО БЕРДИ

ПАРИЖ, 1 февраль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Қуддусдан хабар қилишича, Исроил бош министри Бен-Гурион кеча истеъфо берган.

СЕАТОНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

ПАРИЖ, 1 февраль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Бангкокдан хабар қилишича, бугун бу ерда СЕАТО кенгашининг мажлиси бўлган. Мажлис 4 соат 30 минут давом этган. Бу агрессив блокнинг аъзолари бўлган мамлакатлар Бун Ум-Фуми Носаван исёнчи тўдасининг Лаос қонунлигига СЕАТО кузатувчиларини юбориш ҳақидаги илтимосини муҳокама қилишган.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

◆ **«Франция—СССР» уюшмаси миллий кенгашининг Парижда бўлиб ўтган мажлисида бу ташкилотнинг 10- миллий съездини шу йил 9-10 декабрда Парижда чақиришга қарор қилинди. Миллий кенгаш Москвада француз выставкасининг ва Парижда совет выставкасининг муваффақиятли ўтказилиши учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришга қарор қилди. Выставкалар шу йил ташкил қилинади.**

◆ **Қоҳирада Яқин Шарқ мамлакатларининг ўлчовлар ва тарозиларни стандартлаштириш масалаларига бағишланган иккинчи конференцияси очилди. Конференцияда Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатлардан кузатувчилар қатнашмоқда.**

◆ **Малайя бош министри Абдул Рахмон, Малайя Жазоирнинг мустақиллиги тўғрисидаги масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кўтариб чиқади, деган. «Мен, — деган у, — Жазоирнинг мустақил бўлишга тўла ҳақи бор, деб ҳисоблайман».**

◆ **Салазар фашист режимига қарши оппозициянинг 39 намояндаси, шу жумладан республика президентлигига собиқ кандидат адвокат Висенте мамлакатда ҳар қандай демократик эркинликларнинг поймол қилинишига қарши республика президенти Томазга норозилик хати юборганлар.**

◆ **Халқаро савдони ривожлантиришга ёрдам бериш Япония уюшмасининг раиси Ямамото бошчилигидаги иқтисодий делегация Токиодан Хитой Халқ Республикасига жўнаб кетди. Мамлакатдаги энг йирик саноат ва савдо фирмаларининг вакилларидан иборат бу делегация хусусий асосда Япония-Хитой савдосини янада кенгайтириш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиши билан танишади.**

◆ **31 январь кечаси бир тўда фашист каллакесарлар Парижнинг бешинчи округида компартия биносига ўт қўйишга уринди лар. Енгин гарчи тезлик билан тугатилган бўлса-да, бинога шикаст етказилган. Фашист безориларнинг сурбетларча хуружи Франция жамоатчилигини ғазаблантирмоқда.**

АҚШДА ҚАТТИҚ ЁҚИЛҒИ БИЛАН ҲАРАКАТГА КЕЛТИРИЛАДИГАН ҚИТЪАЛАРАРО БАЛЛИСТИК РАКЕТА УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 1 февраль. (ТАСС). Информация агентликларининг хабар беришича, бугун Америкаининг каттиқ ёқилғи билан ҳаракатга келтириладиган «Минитмэн» типидаги биринчи қитъалараро баллистик ракетаси Канаверал бурунидан (Флорида штати) муваффақиятли суратда учирилган. Ракета Атлантик океанининг жанубий қисмида белгиланган районда, учирилган жойдан 4.200 миля масофада қўнган (ракетанинг мўлжалланган учиш масофаси 6.300 милядир).

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

◆ **«Франция—СССР» уюшмаси миллий кенгашининг Парижда бўлиб ўтган мажлисида бу ташкилотнинг 10- миллий съездини шу йил 9-10 декабрда Парижда чақиришга қарор қилинди. Миллий кенгаш Москвада француз выставкасининг ва Парижда совет выставкасининг муваффақиятли ўтказилиши учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришга қарор қилди. Выставкалар шу йил ташкил қилинади.**

◆ **Қоҳирада Яқин Шарқ мамлакатларининг ўлчовлар ва тарозиларни стандартлаштириш масалаларига бағишланган иккинчи конференцияси очилди. Конференцияда Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатлардан кузатувчилар қатнашмоқда.**

◆ **Малайя бош министри Абдул Рахмон, Малайя Жазоирнинг мустақиллиги тўғрисидаги масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кўтариб чиқади, деган. «Мен, — деган у, — Жазоирнинг мустақил бўлишга тўла ҳақи бор, деб ҳисоблайман».**

◆ **Салазар фашист режимига қарши оппозициянинг 39 намояндаси, шу жумладан республика президентлигига собиқ кандидат адвокат Висенте мамлакатда ҳар қандай демократик эркинликларнинг поймол қилинишига қарши республика президенти Томазга норозилик хати юборганлар.**

◆ **Халқаро савдони ривожлантиришга ёрдам бериш Япония уюшмасининг раиси Ямамото бошчилигидаги иқтисодий делегация Токиодан Хитой Халқ Республикасига жўнаб кетди. Мамлакатдаги энг йирик саноат ва савдо фирмаларининг вакилларидан иборат бу делегация хусусий асосда Япония-Хитой савдосини янада кенгайтириш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиши билан танишади.**

◆ **31 январь кечаси бир тўда фашист каллакесарлар Парижнинг бешинчи округида компартия биносига ўт қўйишга уринди лар. Енгин гарчи тезлик билан тугатилган бўлса-да, бинога шикаст етказилган Фашист безориларнинг сурбетларча хуружи Франция жамоатчилигини ғазаблантирмоқда.**

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ШАХМАТЧИ ҚИЗ



Тренер тажанг, дугоналар ташвишда: Манзура йўқолиб қолибди.

Бу воқеа ўтган йили ёзда Ленин районн марказида юз берди. Бу ерда «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти марказий советининг биринчилиги учун шахматчи хотин-қизлар ўртасида мусобақа бўлаётган эди. Андижон области қишлоқ шахматчилари составида ўн тўрт яшар жажжи қиз Манзура Усмонова ҳам бор эди.

Манзура тажрибали олтита шахматчини таслим қилса бўладими! Еттинчисига, қутилмаганда наманганлик Фотима Дадамирзаевага келганда ютқазди.

Ёш шахматчи аламига чидай олмай, хўнгради-ю, кўчага чиқиб, треперига ҳам, дугоналарига ҳам айтмай, қишлоғи Ҳартумга йўл олди...

Манзуранинг тренери Иброҳим Назаров бир йил ичида ёш аммо қобилиятли шахматчи қизни учинчи разрядли спортчилар қаторига қўшди.

Андижон районидаги Карл Маркс номли колхоз клуби доимо ёшлар билан гавжум. Бу ерда ҳафтасига тўрт марта шахматчилар тўгараги ишлаб туради. Шахмат колхозда оммавий спорт турларидан бири ҳисобланади. Тўгарак аъзоларининг сони олтмиш кишидан ортиқ.

Бир неча бор республика ва Бутуниттифоқ мусобақаларига қатнашган, шахмат бўйича спорт мастерлигига кандидат Иброҳим Назаров раҳбарлик қилаётган тўгарак аъзоларидан Қ. Парпиев, О. Усаров, И. Бадалов каби истиқболли шахматчи ҳаваскорлар етишиб чиқмоқда.

Биз суратдаги шахмат тахтасига тикилиб ўтирган қизча ҳақида гапирмоқчимиз.

Ёш спортчи Манзура ўтган йили биринчи марта республика пойтахтига келиб, спортчи хотин-қизларнинг республика слёттига қатнашди. Слётга унинг дугонаси Мунисхон Ортиқова ҳам келди. Манзура билан Мунисхонлар ўз уйларига қайтганларидан кейин ўнлаб қизлар спорт секцияларига ёзилдилар.

Куни кеча Андижон областининг Сталин районида қишлоқ шахматчиларининг республика биринчилиги тугади. Область спорт шарафини бошқалар қаторида Манзура Усмонова ҳам ҳимоя қилиб, яхши натижаларни қўлга киритди.

Манзура эндигина 15 ёшга қадам қўйди. Аммо ёшлигига қарамай, «кўпни кўрган» шатранж усталарини ҳам мағлубиятга учратиб турибди...

Ҳамид ТОЖИБОЕВ,
Рустам РАҲМОНОВ.
С. Безносов фотоси.

„ПАХТАКОР"НИНГ ЎЙИНЛАРИ

Илгари эълон қилинганидек, мамлакат чемпионатининг 1961 йилги футбол мавсумида «А» классида қатнашаётган «Пахтакор» командаси биринчи учрашувни 8 апрель куни ўз майдонида москвалик динамочилар билан ўтказади. Навбатдаги ўйин 14 апрель куни бўлади. Бу гал майдон эгалари «Спартак» (Москва) футболчиларини қабул қиладилар.

20 апрель куни пойтахт футбол ишқибозлари яна бир мароқли олишувнинг шоҳиди бўладилар: пахтакорчилар Армия Марказий спорт клуби футболчилари билан учрашади.

Сўнгги «Пахтакор» бошқа командалар билан учрашиш учун Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳатга жўнайди.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ҚЎЛЛАР

Санда ЗУННУНОВА.

(ҲИКОЯ)

□ □ □

ТЎЙ ТАРҚАБ, ўйин кулгига тўлган ҳовли сув сепгандай жимжит бўлди қолди. Йиғиштириш учун қолган қариндош-уруғ, кўнгил яқинлар ҳам чарчашиб, ҳар ер-ҳар ерда ухлаб ётишар, ҳовли саҳни ҳали йиғиштириб олишга улгирилмаган идиш-ёқа, стол-стулларга тўла эди.

Келин тушириш тараддуди ҳаммадан кўп Малика холани чарчатган бўлишига қарамай, у ҳамон уйғоқ. Бошқаларни уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида босгандай секин-секин юриб йиғиштирарди.

Атроф жимжит. Дарахтларга осилган катта лампочкалар атрофида парвоналар базм қурган. Дасталоғлик тоғаралар ёнига келган кучукни ҳайдайман деб, Малика хола синглисини уйғотиб юбораёзди. Кучукни ҳайдаб ҳовлидан чиқарди-да, битта-битта босиб уйга кириб кетди.

Бир нафас бошини ёстиққа қўйиб кўрди. Ухлай олмади. Туриб уй ичида анча вақтгача ғимирсиб юрди. Қани энди уйқу кела қолса! Бир томондан келин кўрганидан қувонса, бир томондан хотиралар, неча йиллардан бери қалбида сақланиб келаётган эзгу армонлар унинг бутун асабларини уйғотиб юборган эди.

Очиқ деразадан уйга куз тунининг салқин ҳавоси ўрмалайди, ҳовлидаги лампочкалардан тушган гира-шира нур чироқ ёқилмаган уйга ҳам, хонтахтанинг бир четида қимир этмай ўтирган Малика холага ҳам хаёлий бир тус берган. Ҳовлида яна кучук гайдо бўлди шекилли, кимдир уйқу аралаш гулдираб уни ҳайдади. Малика хола ўрнидан туриб дераза пардасини туширди-да, чироқни ёқиб қўйиб яна келиб ўрнига ўтирди. Идиш-оёқ ювганиданми, қўлидаги узукнинг кўз атрофлари кирлашиб қолгандай эди. Малика хола игна билан уни яхшилаб тозалади. Кейин кафтига олиб анча вақтгача тикилиб ўтирди-да, яна оҳиста бармоғига солди.

БУ УЗУКНИ тўй куни эри тақиб қўйган эди. Ўша пайтда узукни безаган бу тош кўзлар, кейинча унинг кўзларига айланди-ю, ҳамма жойда Маликахонни кузатиб юрди. қора мой ичидан кулиб қаради, йиқилмоқчи бўлганда қўлидан тортди. Бу узук тақилганда унинг қўллари қандоқ эди? Тиқмачоқдай, оппоқ, ҳаётнинг оғир машаққатларига ҳали урилмаган бегубор, нозик қўллар эди. Мана энди томирлари бўртиб чиқибди, ҳар жой, ҳар жойида доғ пайдо бўлибди. Бир вақтлар оппоқ қўлларга гулдек яраштан, фақат зийнат учун тақилган бу узук, кейинча муҳаббат, садоқат рамзи бўлиб, бу қўлларни меҳнатга, ҳаётга, яшашга ундади. Садоқат, меҳнат рамзига айланди-ю, ўзини зийнат сифатида бегона қўлларга ўтишдан сақлаб қолди.

Келин туширишга йиққан-терган ҳам, меҳмонларнинг олдига манзур бўларли дастурхон ёзган ҳам, келинга чиройли кийимлар тиқдирган ва кийдирган ҳам мана шу жафокаш, меҳнаткаш қўллар эди.

ТОНГ ЯҚИНЛАШИБ қолибди: онда-сонда хўрозларнинг қичқириғи эшитила бошлади. Малика хола кўрпа қатидан калит олиб, даранглаб кетмаслиги учун жуда эҳтиётлик билан сандиқни очди. Димоғига нафталин ҳиди билан яна алламбалгандай таниш бир ҳид урилгандай бўлди. Ҳаммавақт қулф турган бу сандиқда эркаклариниг бир икки дона кўйлаги, кийилиб анчагина нимдош бўлиб қолган бир пальто билан янгиғина бир костюм бор эди, холос. Малика хола уларни сандиқдан олди. Тиззасига қўйиб, пальтонинг ёқа ва енгларини секин-секин, гўё озор бериб қўйишдан қўрққандай бир кайфиятда силади. У, ўн етти йилдан бери бу машғулотни такрорлашдан зерикмади. Баҳор бўлса нафталинга солади, куз бўлди дегунча сандиқдан олиб, қоқиб, силкиб илиб қўяди. Қишда бу пальто ўғли ва ўзининг пальтолари қаторида илинлиқ туради. Эгаси ҳам шу ерда, шулар билан, фақат яқингина бир жойга чиққану, ҳозир келиб кияди гандай.

Уруш йиллари рўзғор танқислиги уни қийнаган пайтларда ҳам энг қиммат буюмларини сотдию, булларга тегмади. Меҳнат қилишга қодир бўлган шу қўллари билан унинг пальтосини бозорга олиб чиқадими?! Бу пальтони меҳнат қилиши, пул топиши, рўзғор тебратиши мумкин бўлган соппа-соғ шу қўллари билан бировга элтиб берадими? Сотадими?! Бу кийимлар унга қандоқ яраширди. Айниқса, костюмини яхши кўрарди, эҳтиётлаб кияди. Қанча яхши ниятлар билан олинган бу кийимларни, наҳотки, бошқа биров кийиб йиртса. Йўқ, ўзи кияди. ўзи кийиб йиртади.

ШУ ПАЙТГАЧА доим рўзғор иши билан банд бўлган Маликахон заводга ишга кириб кетди. Ўғлини бўлса боғчага жойлаштирди. Меҳнат аламини енгиллатгандай, дардига дармон бўлгандай туюлди. Тақдири уникига ўхшаган кўп ёш аёллар унга сирдош, дўст бўлдилар. Бириниг эридан хат келса юстаси тенг қувонишди, биттасининг бошига тушган ташвишни ҳаммаси бирга тортишди. Маликахоннинг эридан қора хат келиб, бошига қора кун тушганида ҳам ана шу аҳил оила унга ҳамдард ва таянч бўлди. Буқилишга, йиқилишга қўймади. Ўша куни Маликахон ишдан қайтгач, пальтосини ечиб илар экан, эрининг осиғлиқ турган пальтосига юзини ўраб ўкириб-ўкириб йиғлади. Ана шундан кейин бу пальто билан костюм Маликахонга яна ҳам азизроқ туюлиб қолди. Аввал севган кишисининг кийими бўлса, энди ундан ёдгор ҳам бўлиб қолган эди. Шундан кейин ҳам бари-бир, бу пальто қишда илинди, ёзда нафталинга солинди.

Ўғли Бахтиёр у вақтларда жуда ёш эди. Онасининг аҳволини яхши тушунмас, нима учун онаси уни ҳеч қачон битта эмас, доим иккита ўпишига ҳам ақли етмас эди. У энди Бахтиёрга онагина эмас, ота ҳам эди. У, ҳаммавақт — уйда ҳам, кўчада ҳам эрининг хотирасини ҳурмат қилиб яшади. Ёшлигини, бутун умрини унинг хотирасига бағишлади. Ана шу хотира ҳурмати учун Бахтиёрни дадасига ўхшаш меҳнаткаш, софдил қилиб ўстиришга ҳаракат қилди. Бахтиёр чиндан ҳам дадасига ўхшади. Унинг муомаласи, меҳнатсеварлиги, меҳрибонлиги, ҳатто баъзи бир қилиқларига қараб турганида, Малика холанинг назарида эри ўлмагандай, у фақат қайта яшашга бошлагандай туюларди. У тирик. Ана у, Бахтиёр бўлиб яшаяпти. Уни Маликахон ҳаётга қайта келтирди. Мана шу меҳнаткаш қўллари унга ҳалол нон едирди, тоза кийим кийдирди. Силади, эркалади, уни одам, чинакам инсон қилиб ўстирди. Мана, бугун у келинлик бўлди. Дадаси бўлса қандоқ қувонарди. У, бутун тўй давомида Малика холанинг кўзидан кетмади. Муборакбод қилиб келувчиларни кутиб олди. Ўйин кулгига бош бўлди, ўғли билан келинининг чешонасидан ўпиб, уларга бахт тилади. Буларнинг ҳаммасини Малика хола кўриб турди. Қалби, хаёли билан кўриб турди.

ТЎЙ ШАРОФАТИ билан тун бўйи ёқиқ қолган чироқлар тонг билан уланиб кетди. Уйқудан анча тиниқиб турган кўнгил яқинлар чойдан кейин яна қолган ҳамма идиш-оёқларни ювиб, йиғиштириш билан овора бўлдилар.

Малика хола келинларнинг олдига кирди. Келин-куёв унинг ҳурмати учун ўринларидан туришди. Ўтиришга таклиф қилишди. Келин бироз уялиқираб туриб, қайнонасига чой узатди. Бахтиёр бўлса онасининг кўзига бирданига катта киши бўлиб қолгандай эди. У шу топда дадасига жуда-жуда ўхшаб кетди.

Малика хола келин-куёвни ортиқ уялтирмаслик учун келини узатган чойни ичди-ю, пиёлани қайтиб бермади. Кучоғида олиб ўтирган костюм билан пальтога қараб анча вақт жим ўтириб қолди. Келин қайрон, Бахтиёр бўлса онасининг нима учун бу нарсаларни шу бугун кўтариб юрганлигига тушунмай, кўзларини пирпиратиб унга тикилар эди.

Малика хола кўзига келган ёшни зўр куч билан қайтариб, бошини кўтарди:

— Ўғлим, шу вақтгача отангнинг мана бу кийимларини сенга кийгин демаган эдим. Бугун олиб кирдим. Энди уйлик-жойлик бўлдинг. Катта киши бўлиб қолдинг. Энди буларни кийсанг бўлади. Байрам кунларида, яхши кунларда кийгин. Аяб-асраб кийган.

Малика хола титраган қўллари билан кийимларни ўғлига узатди. Томоғига келган алла нарсани ютди-ю, очиқ, меҳрибон чеҳра билан келинига ўгирилди:

—Қизим, қайнотангиз бўлганда, билмадим, сизга нималар совға қилар эди. Мана бу узукни тўй куни менга тақиб қўйган эди. Бугун ўша киши учун мен сизга тақиб қўяман. Ҳамма вақт тақиб юринг. Зийнат учун эмас, ҳурмат учун тақинг. Қўлларингиз менинг қўлларимдек меҳнаткаш, ҳалол бўлсин. Лекин, меҳнатни мендек ёлғиз эмас, бирга қилинглар. Қўша-қаринглар. Бахтиёр сизни ҳеч хафа қилмайди. Уни мен ана шунақа қилиб ўстирдим. Отасига, қайнотангизга ўхшаган бўлди. Сиз ҳам қизим, уни ҳеч хафа қилманг.

МАЛИКА ХОЛА билинар-билинмас титраган қўллари билан узукни келининнинг қўлларига солар экан, ўзининг бир вақтки қўлларини, оппоқ, бегубор қўлларини эслади. Келининнинг кўзида ёш ялтиради. Демак, бу оппоқ, момиқ қўллар мана шу узук ҳурматига ҳеч хиёнат қилмайди. Ҳаётда тутган нарсасини қўймайдиган, юзик, аммо забардаст қўллар бўлади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

3 ФЕВРАЛДА

19.00. — Етти йиллик илғорлари (ёшлар учун рус тилида). 19.25 — Ҳамза ва замонамиз (ўзбек тилида). 19.45 — Сўнгги ахборот. 20.05 — Халқаро масалалар (ўзбек тилида). 20.20 — Шимол камалаги номли киноповесть (ўзбек тилида). 21.45 — С. Эйзенштейн («Кино санъати устлари» циклидан).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/II-да Оққуш нўли, 4/II да Севилья сартароши.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/IIда Ҳамза, 4/II да Тоға-жиянлар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/II да Раис уйланармиш, 4/II да Паранжи сирлари («Холисхон»).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 3, 4/II кеч соат 7 яримда СССР халқ артисти Мукаррама Тургунбоева иштирокида «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концертлари. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 3, 4, 5/II кеч соат 7 яримда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейига бағишланган эстрада концертлари. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Юрий Дуров гастролининг давоми. Томошалар давомида қизиқчи артист ака-ука Ширманлар қатнашади. Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.

КИНО

Самолёт соат 9 да жўнайди — (янги кенг экранли бадиий фильм) «ВАТАН», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Шаҳар ташқарисида — СОБИР РАХИМОВ номли (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (кеч соат 10-40 микутда).

Макр ва муҳаббат — «ВАТАН» (кеч соат 7 яримда).

Кўчма қалъа — «МИР» (эрталаб соат 10 ва кундуз 2 да).

Аэродром қабул қилмайди — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Беш кечаю беш кундуз — «ЕШ ГВАРДИЯ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Тўхтагул — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 8 да). «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Прери кўчаси